Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 11 октябрь
ПАЙШАНБА
№ 232 (5.025).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

1990 йил 9 октябрь куни КПСС Марказий Комитетининг пленумида мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш борасида КПССнинг вазифалари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом этди.

Мунозарада Украина ССР Полтава район йўл ремонт-қурилиш участкасининг ғишт терувчиси В. Т. Чуйков, СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети Бутуниттифоқ меҳнатни ташкил этиш илмий марказининг директори А. А. Пригарин, Киров вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. А. Осминин, Туркманистон ССР Вазирлар Кенгашининг раиси Х. А. Аҳмедов, СССР металлургия вазири С. В. Колпаков, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат дорилфунуни иқтисодиёт факультети сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти А. В. Бузгалин, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Э.-А. А. Силлари, Ереван давлат дорилфунуни кафедрасининг мудири Ю. И. Мкртумян, Томск вилоят партия комитетининг биринчи котиби А. А. Поморов, Тожикистон ССР Вазирлар Кенгашининг раиси И. Ҳаёев сўзга чиқдилар.

Пленумда тузилган таҳрир комиссияси номидан КПСС Марказий Комитетининг котиби А. С. Дзасохов нутқ сўзлади.

Тушган таклифлар ва мулоҳазалар атрофлича кўриб чиқилиб, муҳокама қилинганидан кейин шу масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Пленум «КПСС Марказий Комитетининг комиссиялари тўғрисида» ва «КПССнинг норматив-методик ҳужжатлари ҳақида»ги қарорларни ҳам қабул қилди.

Пировардида пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Шу билан пленум ўз ишини тугаллади.

КПСС Марказий Комитети пленуминнг 1990 йил 9 октябрь қарори

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КОМИССИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Уставининг 29-параграфига мувофиқ КПСС Марказий Комитети фаолиятининг асосий йўналишлари билан шуғулланувчи; мафкуравий; иқтисодий-сиёсий; ижтимоий-иқтисодий; КПССнинг аграр сиёсати; хотин-қизлар ва оила масалалари; КПССнинг миллий сиёсати; халқаро сиёсат муаммолари; бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини янгилаш доимий комиссиялари тузилсин.

КПСС XXVIII съездида қабул этилган қарорларга мувофиқ КПСС Марказий Комитетининг фан, таълим ва маданият; КПССнинг ёшлар сиёсати масалалари; ҳарбий сиёсат комиссиялари тузилсин.

2. Комиссияларнинг шахсий таркиби ва уларнинг раҳбарлари тасдиқлансин. Комиссияларга КПСС Марказий Комитети аъзоларининг истагига биноан уларнинг бир комиссиядан иккинчисига ўтиш тўғрисидаги масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқи берилсин. Бунда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси фақат битта комиссияда бўлиши мумкинлигига асосланиб иш тутилсин.

3. Маслаҳатчилар КПСС Марказий Комитети комиссияларининг тақдимига биноан КПСС Марказий Комитетининг пленумида тасдиқланади деб белгилаб қўйилсин.

4. КПСС Марказий Комитети комиссияларининг фаолияти хусусиятларини эътиборга олиб шу комиссиялар тўғрисидаги низомларга эга бўлиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. КПСС Марказий Комитетининг комиссияларига 1991 йилги иш режаларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш топширилсин. КПСС Марказий Комитетининг котибияти бу режаларни умумлаштириб, уларни КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комитетининг аъзоларига, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларига, муҳтор жумҳуриятларнинг жумҳурият партия комитетларига, ўлка, вилоят партия комитетларига юборсин.

КПСС Марказий Комитети пленуминнг 1990 йил 9 октябрь қарори

КПССНИНГ НОРМАТИВ-МЕТОДИК ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг котибиятига КПССнинг норматив-методик ҳужжатлари лойиҳаларини партия ташкилотларида, коммунистлар ўртасида кенг муҳокама қилишни уюштириш топширилсин.

Лойиҳалар партия матбуотида эълон қилинсин.

Беш йилликнинг якунловчи йилида 2,500 гектар майдонда ғўза ўстириб, сидқидилдан меҳнат қилаётган Беруний номли давлат хўжалиги чўлқуварлари Нишон районида биринчи бўлиб, ўн иш кунида дастлабки маррани эгалладилар. Омборларга 4.400 тоннадан ортиқ хом ашё етказиб берилди. Ҳосилнинг деярли ҳаммаси терим машиналари билан терилиб, юқори навларга қабул қилинди.

Темир Элмуродов, Нурали Жуманазаров, Норбўта Бойполвонов, Нурилло Илёсов, Қўрғон Тоғаймуродов, Хайитмурод Жуманазаров етакчилигидаги меҳнат жамоалари ҳар гектар майдондан режадаги 18 ўрнига 25 центнердан хирмон кўтаришди. Пахтакорлар ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш учун терим суръатини сусайтирмаяптилар.

Омонжон Илёсов, Зокир Рўзиқулов, Абдурасул Рустамов, Бахтиёр Қурбонов сингари механизаторларнинг ҳар бири ҳозиргача 120—130 тоннадан ошириб пахта теришди. Улар мавсум охиригача яна 50—60 тоннадан ҳосилни саранжомлашга азму қарор қилганлар. Хўжалик ялпи хирмонини 8 минг тоннага етказиш учун кураш олиб борилмоқда.

СУРАТЛАРДА:
1. Пешқадам механизатор Омонжон Илёсов.
2. Тўртинчи агроучастка бошқарувчиси Қўрғон Тоғаймуродов.
3. Машина терими пайти.

Ш. СУЛТОНОВ олган суратлар.

ЗАФАРНОМА

ШОВОТ

Хабарингиз бор: Хоразм вилоятининг Гурлан райони меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик режасини жумҳуриятда биринчи бўлиб бажаришганди. Улардан кейин Шовот раёни пахтакорлари ҳам маррани забт этдилар. Қабул пунктларига 13,000 минг гектар майдондан 35,600 тоннадан зиёд юқори нав хом ашё етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 28 центнерни ташкил этди.

Воҳада сўнгги йилларда мўл пахта етиштириш тобора қийинлашмоқда. Сабаби — ер борган сари шўрланмоқда. Устига устак Оролдан кўтарилаётган чанг-тўзон экин майдонларни унумдорлигини пасайтирмоқда. Сув тақчиллиги яққол сезилаяпти. Шунга қарамай, деҳқонлар чигит экишни қулай муддатларда ўтказдилар. Ёз мобайнида ғўза қатор ораларига агротехника қоидалари асосида ишлов берилди. Натижада жами майдонда нафақат режани, балки мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўпланди. Йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўрилгани, бу юмуш уюшқоқлик билан ўтказилгани эса кўзланган маррани ўттиз иш кунида эгаллаш имконини берди. Бунақаси авваллари район тарихида рўй бермаган эди.

Шуниси қувончлики, пахтакорлар даромад олиш режасини ҳам уддаладилар. Ҳозиргача қадар хўжаликлар 31 миллион ўрнига 35 миллион сўм наф кўришди. Бу кўрсаткич 38 миллион сўм бўлиши кўзда тутилмоқда. Негаки давлатга яна 5 минг тонна пахта сотилиб, ялпи хирмон 40,5 минг тоннага етказилади.

ЎЗБЕКИСТОН

Фарғона бўйлаб хушхабар тарқалди: Ўзбекистон райони пахтакорлари йиллик режани вилоятда биринчи бўлиб адо этдилар. Ватан омборларига 38.200 тоннадан кўпроқ қиймматбаҳо саноат хом ашёси топширилди. 13.069 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Унинг 90 фоизи юқори сортларга сотилди.

Меҳнатни уюштириш ва рағбатлантиришнинг янги усули— нижара пудрати тўласнича жорий этилганлиги, коммунистлар, депутатлар, комсомоллар ва барча дала меҳнаткашлари ягона мақсад йўлида бир танбир жон бўлиб меҳнат қилганликлари, термачилар ва механик-ҳайдовчиларга, мавсум юмушлари билан банд ҳамма одамларга қулай шарт-шароит яратилгани, йиғим-теримда машиналарга таянилгани ана шу муваффақиятни таъминлади.

Эришилган ютуққа айниқса «Қолгандарё», «Қўқон», «Комсомол», «Ғаниобод» давлат хўжаликлари ва «Пахтақайнар», Ленин номли ва Ғафур Ғулом номли жамоа хўжаликлари заршунослари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу хўжаликларда гектарлар ҳосилдорлиги 32—35 центнерни ташкил этди.

Терим мавсуми юзлаб фидойиларнинг номини элга танитди. Иброҳим Йиғиталиев, Абдуғаффор Назиров, Нуъмонжон Солиев, Акрамжон Пўлатов, Иноможон Жўраев каби суворийлар ҳозиргача бункерлардан 200—250 тоннадан хом ашё тўқдилар. Мукаррамхон Маъруфова, Анорхон Йўлдошева, Ҳалимахон Исомиддинова, Хосиятхон Пирматова, Сабохон Жумаева сингари чеварлар эса 6—8 тоннадан оқ олтин териб, мусобақада байроқдорлик қилмоқдалар.

Гарчи режа бажарилган бўлса-да, далаларда ҳали ҳосил мўл. Район пахтакорлари ялпи хирмон салмоғини 43 минг тоннага етказиш йўлида терим суръатига суръат қўшишяпти.

ЯНГИҚЎРҒОН

Район пахтакорлари сўз ва иш бирлигини таъминладилар: давлатга 7.150 тонна аъло сифатли оқ олтин сотилди. Ўнлаб бригада ва звеноларда гектарлар ҳосилдорлиги 30 центнердан ортди. Бу йил пахтачиликдан дурустгина даромад олиш кўзланмоқда.

Маълумки, бу район далалари тоғолди минтақасида жойлашган. Шу боис хўжаликлар асосан боғдорчилик ва узумчилик, сабзавотчилик, картошкачиликка ихтисослашган бўлиб, жорий йилда мазкур соҳаларда қувончли ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, режадаги 14.000 тонна ўрнига 17.000 минг тонна картошка етиштирилди. Қатор жамоаларда ҳар гектар ердан 200 центнердан шундай неъмат саранжомланди. Мева, узум ва сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш топшириқлари ҳам аллақачон ошириб уддаланган. Эл дастурхонига 22.600 тонна мева, 15 минг тонна узум, 15,5 минг тонна сабзавот тортиқ этилди.

И. ҲОТАМОВ.

ҲИММАТ

Сулаймон Муродов номли давлат хўжалигининг коммунист Бозор Қодиров бошқараётган бўлими машинада пахта териш режа ва мажбуриятини қўриқ Баҳористон районида биринчи бўлиб бажарди.

Шу кунгача бўлим пахтазорларидан агрегатлар ёрдамида йиғиштириб олинган ҳосил 862 тоннага етди. Бу белгиланганидан 176 тонна кўпдир. Рустам Эгамбердиев, Рўзимамат Лалиев, Саиджон Қаюмов, Кураш Поёнов сингари механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири бункерлардан 80—100 тоннадан жавоҳир тўкиб, меҳнат зафарига арзигулик ҳисса қўшишди.

Гарчи режа ва мажбурият ўринлатилган бўлса-да, зангори кемалар наъраси бир зум тингани йўқ. Негаки, далада ҳосил мўл. Ҳар куни қабул пунктига йиллик режанинг 4,5—5 фоизи миқдорда хом ашё жўнатилаяпти, Машина терими кўрсаткичи 6 фоиздан тушмаётир.

Пешқадам бўлим пахтазорларида ҳаракат қилаётган Кураш Поёнов бошлиқ терим-транспорт отряди мавсумда 990 тонна пахта саранжомлашга қатъий қарор қилган. Бу Б. Қодиров бошқараётган бўлимда тайёрланадиган ялпи хирмонинг 95 фоизини ташкил этади.

Ҳ. ПРИМҚУЛОВ.

МЕҲНАТГА ЯРАША ДАРОМАД

Қўриқ Элликқалъа районида зангори кемалар юксак унум билан ишлатилмоқда. Пешқадам механизаторлар 2—3 мавсум нормасини аллақачоқ ошириб адо этдилар., Хусусан, «Қирққизобод» жамоа хўжалигидан Озод Бобожонов ҳозиргача 300 тоннадан зиёд пахта териб, ҳамқишлоқлари олқишига сазовор бўлди. Кассир Йўлдош Собиров унга 25 кунлик иш ҳақи учун 3 минг сўм санаб берди. Шунингдек, Турдибой Сандов, Нурмамад Матмуродов сингари дала гвардиячилари шу муддатда 2700—2800 сўм даромад қилдилар.

Суворийларинг ғайрат-шижоатлари туфайли жамоа хўжалиги пахтакорлари давлатга пахта сотиш йиллик режасини районда биринчи бўлиб бажардилар. Ҳар машина ҳисобига 160 тоннадан хом ашё терилди. «Москва» давлат хўжалиги механизаторлари эса бу йил ялпи ҳосилнинг 90 фоизини зангори кемалар ёрдамида йиғиштириб олишди. Жуманиёз Аҳмедов бошлиқ бригадада бу кўрсаткич 95 фоизни ташкил этди. Бунинг эвазига хўжаликда 624 минг сўм пул тежаб қолинди.

Бу ерда ҳар бир колхозчига 4 гектардан зиёд экин майдони тўғри келади. Дала юмушларини механизациялаш, тармоқни интенсивлаш ҳисобига майдонлар ҳосилдорлиги йил сайин ошмоқда. Чунончи, бу йил «Москва» давлат хўжалигида ҳар гектар майдондан 24 центнердан, «Қирққизобод» жамоа хўжалигида эса 25 центнердан хирмон кўтарилди.

Юқоридаги тадбирлар туфайли ўз навбатида деҳқонлар манфаатдорлиги ҳам яхшиланмоқда. Масалан, «Москва» давлат хўжалигида пахта етиштириш 1987 йилга нисбатан 3 баравар, ялпи даромад эса 2 баравар ортди. Натижада ишчиларнинг ойлик маоши бирмунча кўпайди. Оржоникидзе номли давлат хўжалигида эса деҳқонларнинг иш ҳақи 30 фоиз ўсди. Шу боисдан бунёдкорлик ишларига тобора кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Охунбобоев номли давлат хўжалигида шу мақсадга бир миллион сўм сарфланди.

Ҳ. РАҲМОНОВ.

ПАХТАЗОРДАН ХАБАРЛАР

Ёзёвон райнидаги «Чўлигулистон» жамоа хўжалигининг Маъмуржон Жалилов бошлиқ 6-бригадасида кундан-кунга терим суръатига суръат қўшилмоқда. Бунга кўпмингкилограммчилар ҳаракати яхши йўлга қўйилганлиги имкон бермоқда. Мавжудахон Мусаева, Барчиной Бобоева, Зулфия Жалилова каби чеварлар ҳар куни 120—130 килограммдан пахта териб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишаяпти. Терилган хом ашёни хирмонжойларда қуритиш, пешма-пеш қабул пунктига жўнатишда эса Худойберди Акбаров, Машрабжон Ёқубов каби колхозчилар алоҳида ғайрат кўрсатишаётир.

Бригадада теримчиларга қулай шароит яратилган. Мавсумий боғча ишлаб турибди. Ошпаз Муродали Арслонов ҳар куни иссиқ овқат тайёрлаб, далада ишловчиларни мамнун этмоқда.

Пахтакорлар йиллик маррани 25 октябргача эгаллаш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

М. ТЕШАБОЕВ.

* * *

Наманган районидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш режасини бажардилар. Давлатга 2500 тоннадан зиёд юқори сифатли хом ашё сотилди. Меҳнат муваффақиятига Х. Мамажонов, А. Қосимов, Р. Исмоилов, Т. Йўлдошев бошлиқ бригадалар муносиб ҳисса қўшдилар. Бу жамоаларнинг Р. Кенжаева, М. Абдуллаева, М. Абубакирова каби илғор теримчилари эса ҳозиргача 8—10 тоннадан пахта териб, мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

Миришкорлар яна 600 тонна пахта тайёрлаш, ҳосилдорликни гектар ҳисобига 41 центнерга етказиш мақсадида йиғим-теримни тобора авж олдирмоқдалар.

Р. УСМОНОВ.

* * *

Китоб районидаги «Навбаҳор» совхозининг республикада хизмат кўрсатган пахтакор Эгамберди Мейлиев бошлиқ бригадаси заршунослари 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиб, юксак мажбуриятни уддаладилар. Давлатга топширилган 245 тонна пахтанинг юз фоизи биринчи сортга сотилди. Эришилган ютуқка Гулнора Сувонова, Гуласал Баротова, Ҳурмат Мейлиева, Дилором Эгамбердиева сингари чеварлар катта улуш қўшдилар. Уларнинг ҳар бири бугунгача 5—6 тонналик хирмон уйди.

Э. ҚУЛМУРОДОВ.

* * *

Пайариқ районидаги «Ленинизм» жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил эрта баҳорда 1410 гектар ерга барака уруғи қадашганди. Ёз мобайнида қилинган зўр меҳнат туфайли жами майдонда мўлжалдагидан кўп ҳосил етиштирилди. Ҳозир далаларда 1000 нафардан ортиқ теримчи, 20 та машина ишламоқда. Пахтани қабул пунктига элтишга эса 30 та трактор, 3 та юклагич сафарбар этилган.

Теримчиларнинг ғайрат-шижоатлари, агрегатларнинг беноксон ишлаши туфайли хўжаликда ҳар куни йиллик режанинг 3—4 фоизи миқдорида оқ олтин саранжомланмоқда.

Ғалаба ҳужжатига имзо чекаётган звенолар сони ҳам тобора кўпаймоқда. Ражаб Сафаров, Ирисой Усмонова, Ўринбой Азимов бошлиқ звеноларда ҳозиргача 30—35 центнердан хирмон кўтарилди.

Хўжаликда қўлда терилган бир килограмм пахта учун 25 тийин, машинада саранжомланган бир тонна хом ашё учун 10 сўм ҳақ тўланаяпти. Илғорларга эса мукофотлар берилмоқда. Натижада кўзланган марра кун сайин яқинлашаяпти.

Т. ТУРСУНОВ.

* * *

Поп районидаги «Правда» жамоа хўжалиги пахтакорлари жорий йилда давлатга 3.320 тонна пахта топширишга сўз беришган. Шу ниятда улар йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Теримчилар ўртасида ташкил этилган ўзаро социалистик мусобақада Сотволди Эргашев бошлиқ бригаданинг Бахринисо Абдулазизова, Бусора Ғаниева каби чеварлари пешқадамлик қилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири кунига 160—170 килограмм дурдона тераётир.

Шу райондаги Ленин номли давлат хўжалигига қарашли 3-бўлимнинг Сожидахон Топилова бошлиқ бригадаси пахтакорлари эса 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 22 центнердан хирмон кўтариш иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳар куни қабул пунктига режанинг 3,5—4 фоизи миқдорида хом ашё топширилмоқда. Бунда кунига 150—160 килограммдан оқ олтин тераётган Лочиной Сулаймонова, Гулсунбу Қурбонова, Қаҳҳоржон Султонов, Умарали Исмоилов каби кўпмингкилограммчиларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Ш. ИНОҒОМОВ,
Р. ҚУРБОНОВ.

* * *

Андижон районидаги «Ленинград» жамоа хўжалигида йиғим-терим қизғин бормоқда. Илғор бригадалар эса пахта тайёрлаш йиллик режаларини бажараяптилар. Тожиддин Иноможонов бошлиқ жамоа деҳқонлари топшириқни хўжаликда биринчи бўлиб уддалашганди. Ҳозиргача 50 гектар адир ернинг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Улар бу кўрсаткични 36 центнерга етказиш ниятида мусобақани кун сайин қизитмоқдалар.

Ўринбой Исаев, Нурмамат Умаров, Набижон Қобилов етакчилик қилаётган бригадалар ҳам маррани забт этиш арафасида турибдилар.

Т. ҲОТАМОВ.

МЕҲР—КЎЗДА, АҚЛ—СЎЗДА

Иқтисодиётни юксалтиришнинг янги омиллари • Ўз ўрнини топган кишилар • Янгиқўрғон районида 1991 йил учун «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасига мингдан ортиқ киши обуна бўлади

ОДАМЛАР ОРАСИДА

Т. ҚИРҒИЗОВ,

Янгиқўрғон район партия комитетининг биринчи котиби, район Советининг раиси

Меҳнат аҳли манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг унумли ишлаб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароит яратиш партия, совет, жамоат ташкилотлари, раҳбарларнинг асосий вазифасидир. Сўнгги йилларда районимизда барча тармоқни бирдек ривожлантириш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш борасида муайян ютуқларга эришилмоқда. Аммо асосий эътиборни ечимини кутаётган муаммоларга қаратмоқчиман. Айниқса, ижтимоий соҳада кўп иш қилиниши керак. Ҳозирги кунда район аҳолисининг бир фоизи табиий газдан фойдаланаяпти. Ичимлик сув билан эса 60 фоизи таъминланган. Ишсизлар сони қарийб 3 минг кишини ташкил этади. Илғор иш усуллари ҳамда хўжалик ҳисоби ишлаб чиқаришга жадал жорий этилаётган шароитда ажратилаётган капитал маблағларнинг ўзи муаммоларни ҳал этиш имконини бермайди. Ҳаёт сўмни сўмга уриштиришга, ички имкониятларни кидириб топишга даъват этаяпти. Очиқ тан олиш керак. Узоқ йиллар мобайнида хазрати деҳқоннинг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган ноз-неъматлар ност-нобуд қилинмай борича истеъмолчиларга етказиб берилмади. Лоқайдлигимиз, уқувсизлигимиз туфайли ҳосилнинг маълум қисми нобуд бўлди. Бойлигимизни ўз қўлимиз билан совурдик.

Янгиқўрғон район партия комитети, райижроқўмнинг ҳозирги раҳбарияти сабоқлардан тўғри хулоса чиқармоқда. Хайрли ишлардан бири қўшни республикаларга юборилаётган мева, узум, картошка ва сабзавотларни қурилиш материаллари, халқ истеъмоли молларига айирбошлашни йўлга қўйганлигимиз бўлди. Янги ишчи ўринлари очилмоқда. Шу мақсадда Янгиқўрғон посёлкасида трикотаж-тикув фабрикаси қурилаяпти. У келаси йилнинг иккинчи ярмида ишга тушади. Шўркент, Исковат, Ўзак қишлоқларида йирик саноат корхоналарининг бўлимлари очилади.

Маҳаллий саноатни ривожлантиришда Ульянов номли, «Бекобод» давлат хўжаликларининг тажрибаси диққатга сазовор. Биринчисида иш бошлаган ёрдамчи хўжалик йилига 1,5 миллион сўм ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқаради. 50 та цех, 19 ошхона, новвойхоналар маъмурчилиқ ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

«Бекобод» давлат хўжалигида ташкил қилинган кооперативларда қўйлаклар, чойшаблар, бошқа рўзғорбоп моллар ишлаб чиқарилмоқда. Қирқ аёл меҳнат қилаётган мазкур кооператив жорий йилда белгиланган режани ортиғи билан адо этади. Жумҳурият Президентининг ҳаётбахш фармонлари қишлоқ меҳнаткашлари меҳнатини қадрлаш, уларнинг яшаш шароитини янада яхшилашга эришиш йўлидаги муҳим омил бўлди. 1991 йилнинг ўзида 9.152 оилага томорқа учун ер майдони ажратилди. 1.639 киши ижтимоий меҳнатга жалб этилди. Қишлоқларни ободонлаштириш ҳам диққат марказида. Сўнгги икки йил ичида 70 километр йўл асфальтланди, ўн бир ой ичида аҳолига савдо тармоқлари орқали 1.152 куб метр ёғоч, 3.520 куб метр тахта ва бошқа қурилиш материаллари сотилди.

Ҳозиргидек мураккаб шароитда ҳар иш жойида соғлом, ижодий муҳит яратиш, меҳр оқибат уруғини сочиш ғоят муҳим. Шу боис инсонни ардоқлашга, жуда бўлмаса сўзимиз билан кўнглини кўтаришга ҳаракат қилаяпмиз. Мақсадга эришишда «Меҳр-шафқат» фондидан унумли фойдаланилаяпти. Нафақа олиш ёшига етган, бироқ керакли иш стажига эга бўлмаган кишилардан 8 нафарига маҳаллий бюджет ҳисобидан 50 сўмдан тўлаш йўлга қўйилди. Нанай, Заркент қишлоқ Советлари ва Янгиқўрғон матлубот жамияти ташаббуси билан учта хайрия ошхонаси очилди. Бу ерда кунига 87 киши бепул иссиқ овқат билан таъминланмоқда. Уруш ва меҳнат ветеранларининг таклифига кўра, Ульянов номли совхознинг эски идораси «Саломатлик» масканига айлантирилди. Унинг атрофидаги 5 гектар боғ қўшиб берилди. Бахтимиз, суянган тоғларимиз бўлмиш отахонлар, онахонлар кўнгилли ҳордиқ чиқариб, ўз саломатликларини мустаҳкамлаш имконига эга бўлдилар. Яна бир янгилик: хонадонларда оилавий боғчалар ташкил этилди. «Гулшан», Карл Маркс номли, Ульянов номли, «Победа» каби ўнта хўжаликда 140 дан ортиқ жажжилар шу тариқа ғамхўрлик билан қуршаб олинди.

Биз кўпроқ одамлар орасида бўлишга, уларнинг орзу-умидлари билан яқиндан танишишга ҳаракат қилаяпмиз. Муҳим масалалар жойида ҳал этилаяпти. Ҳозир районимизда 330 Улуғ Ватан уруши ногирони, 105 нафар ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, 263 байналмилал жангчилар ҳамда 7 нафар Афғонистонда ҳалок бўлганларнинг оилалари бор. Улар учун ҳар бир қишлоқ Советида алоҳида дўконлар ташкил этилган. Тиббиёт ходимлари намунали хизмат кўрсатишаяпти. Ветеранларимиз ҳолидан мунтазам хабардор бўлиб туриш учун район партия комитетининг қарори билан хўжаликлар, корхоналар, ташкилотлар оталиғига биркитиб қўйилди.

Уруш қатнашчилари, байналмилал жангчиларнинг аризалари қондирилмоқда. Уларнинг уйларини таъмирлашда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Янгиқўрғон посёлка Советси Мамадали Қурбонбоев, Тошпўлат Мўминов, Аҳмед Шигапов, Дилфуза Отабоева, Юсуфжон Валиев, Иброҳим Набиев каби табаррук кишиларга моддий ёрдам кўрсатди. Зарбдор қишлоқ Советси ҳудудида яшовчи Ўктамхон Маннонова уйи табиий офат туфайли яроқсиз ҳолга келди. «Победа» давлат хўжалиги раҳбарлари ёрдам қўлини чўздилар: қисқа вақт ичида янги уй қуриб берилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, инсонга ғамхўрлик эндиликда қоғозда эмас, амалда бўлаяпти. Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг қайта қуришга бўлган ишончини оқламоқда. Барча бир ёқадан бош чиқариб, маъмурчилик ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қилаяпти.

Моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги кўпчиликда мебеллар, енгил автомашиналар ҳамда бошқа рўзғор буюмларига бўлган талабни қучайтираётганлиги тушунарлидир. Уруш қатнашчилари, Қаҳрамон оналар, пенсионерларга ўтган йили 45 та, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 29 та автомашина ажратилди. 100 дан ортиқ кишига санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар берилди. Аввалгилари тиббиёт ходимлари ишидан кўпчилик норози эди. Райком, райижроқўм ҳақли эътирозини инобатга олди. Мазкур соҳада фаолият юритаётган мутахассисларга талабчанлик кучайди. Қўшимча имкониятлар ишга солинди. Масалан, ишга яроқсиз ёки ёлғиз кишиларга тибий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Беминат хизмат» бўлими фаолият бошлади.



Эзгулик ҳеч қачон беиз кетмайди. Ҳал қилувчи бўғинларда бўғанимизда соҳибкорлар, пахтакорлар, чорвадорлар, зиёлилар ишимиздан маълум даражада қониқиш ҳосил қилаётганликларини кўриб дилдан қувонаман. Улар кун сайин унумли, самарали меҳнат қилишга ҳаракат қилишаяпти. Ижарачилар сафи кенгаймоқда. Ўтган йили 408 та оилага 1968 гектар ер шартнома асосида бўлиб берилди. Янгилик ихлосмандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватладик. «Нанай» совхозининг ижарачиси Ғанижон Пўлатов 2,5 гектар ернинг ҳар гектаридан 221 центнердан мева олишга эришди. Киров номли давлат хўжалигидан Тожибой Умрзоқов бўрдоқига боқилаётган 131 бош қорамолнинг кунлик семиришини 748 граммга етказди.

Қишлоқда иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қурмай туриб, қишлоқ хўжалигини юксак даражада ривожлантириб бўлмайди. Аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида 24 ий фермаси ҳамда деҳқончилик хўжаликларини ташкил этдик. Улар ўтган 8 ой ичида 50 тонна сут, 14,2 тонна гўшт етиштирдилар. Кўриниб турибдики, Янгиқўрғон райони юксалиш сари бормоқда. Биз янги-янги имкониятларни топиб ишга солаяпмиз. Катта режаларни муваффақиятли рўёбга чиқаришда маслахатгўйимиз — «Қишлоқ ҳақиқати»нинг бе миннат мададига муштоқмиз. Биз рўзнома саҳифаларида аҳлоқ-одоб, қайта қуриш меъморлари, ижарачилар тўплаган бой тажрибалар ҳақида мунтазам мақолалар бериб борилишини истаймиз. Бу йил «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасига районимиз бўйича мингдан ортиқ киши обуна бўлишига имконим комил.

ОМАД КЕЛТИРДИ

Зиёда ОХУНОВА,

«Гулшан» давлат хўжалиги бригада бошлиғи

Хўжалик раҳбарияти, партия комитети менга катта ишонч билдиришди: оғир шароитда иш юритаётган 4-бригадага бошлиқ этиб тайинландим. Экин майдонларимиз адирда жойлашган. Паст-баланд ерларда ғўза парваришлаш, агротехник тадбирларни сифатли амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Айниқса сувчи ва механизаторларга қийин. Бироз эътиборсизлик қилдингми, иш чиппакка чиқади.

Аксига ўша йили баҳор серёғин келди. Жала, сел деҳқон меҳнатини машаққатга айлантирди. Бироқ пахтапарвар, тадбиркор кишилар эсанкираб қолишмади. Бутун диққат-эътибор ғўза парваришига қаратилди. Мураббийлар ёрдамга келишди. Қисқа вақт ичида қатқалоқ балосидан қутулдик. Маҳаллий ўғитга зўр берилди, насослар кечаю кундуз ишлатилиб, ғўзалар оби ҳаётга қондирилди. Қанчалик ҳаяжонланганими билсангиз эди. Ахир, бригадирликка сайланган йилда марра эгалланмаса, омад юз ўгириши мумкин. Юмушларимиз болалаган кезда дала шийпонимизга «Қишлоқ ҳақиқати»нинг мухбири ташриф буюрди. У тажрибакорлар, сувчи ва механизаторлар билан дилдан суҳбатлашди. Кўпчиликни ўйлантираётган муаммолар, тараққиётга тўғаноқ бўлаётган тўсиқларни қоғозга туширди. Сўнг хотин-қизлар учун яратилаётган шароит, орзу-армонларимиз билан қизиқди. Уч кун ўтгач, севимли рўзномамизда «Адир маликаси» сарлавҳали лавҳа босилди. Матбуотнинг кучини шунда яққол сездим. Пахтакор ҳаёти, машаққатлари ҳаяжонли мисраларда ҳаққоний акс эттирилганлиги кўпчиликнинг эътиборини тортди. Қўшни хўжаликлардаги ҳамкасбларим ҳам қутлаб, омад тилашди.

— Лавҳани тўлқинланиб ўқидим, — деди дам олиш соатида кекса соҳибкор Иброҳимжон Мамажонов. — Энди ҳамманинг назари сенда. Масъулиятни чуқур ҳис қилиб, барчамиз бир ёқадан бош чиқарайлик.

Шийпонда бригада аъзолари билан очиқчасига фикрлашдик. Ички имкониятлар тўла ишга солинди. Илғорлар тажрибаси, фан ютуқлари амалиётга жорий этилди. Натижада кузакда ҳар гектар ердан 22 центнердан адир дурдонаси йиғиштирилди.

Амалдаги йилда мажбуриятимизни қайта кўриб чиқдик. Пудрат шарофати туфайли боғдорчилик ривожланмоқда. Шу ўринда Абдуназар ота Имомназаров ҳақида тўхталмоқчиман. У биринчилардан бўлиб оила аъзолари билан 2 гектар ер ажратиб олди. Бой тажрибасини, ташкилотчилик қобилиятини ишга солди. Натижада ерларимиз ориқ бўлса-да, гектаридан 100 центнердан узум ҳосили олишга эришди.

Каримжон Мамажонов ҳам фидойи меҳнати, ташаббускорлиги билан эл назарига тушган. Шу кунгача ўғли Илҳомжон ҳамда келинлари билан 10 тоннадан ортиқ сархил узум топширди.

Асосий эътибор пахта йиғим-теримига қаратилган. Бригада даласида 120 нафар теримчи фидокорона меҳнат қилаяпти. Роқия Холматова, Ҳамида Жаҳонова, Мавлуда Омонова каби чеварлар кунига 150-180 килограммдан дур йиғиштиришаяпти. Ниятимиз давлатга жами 76 тонна адир жавоҳири армуғон этиш. Бригада цех партия ташкилоти оммавий-сиёсий ишларни намунали олиб бормоқда. Деворий рўзнома, «Жанговар варақа» вақтида чиқарилмоқда. Агитатор И. Абдуназаров таъсирчан чиқишлари билан пахтакорлар, соҳибкорларга руҳ ва мадад бағишламоқда. Моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги йиғим-терим ишларининг қизғин тус олишига асосий омил бўлди. Ажойиб шийпонимиз бор. Ён-атрофи мевали, манзарали дарахтлар билан ўралган. Томорқамизда сабзавот маҳсулотлари, кўкатлар етиштирганмиз. Далада ишлаётганларга иссиқ овқат, чой мунтазам тайёрланаяпти. Тиббиёт, савдо хизмати анча яхши ташкил этилди. Ишончимиз комил: бу йил давлатга пахта, узум ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан белгиланган режалар зиёдаси билан бажарилади.



Ишчи ва хизматчиларимиз рўзнома ва жаридаларга қизғин обуна бўлишмоқда. «Совет Ўзбекистони», «Ёш ленинчи» рўзномалари қатори «Қишлоқ ҳақиқати»га ҳам қизиқиш катта. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда бригадамиздан 50, жамоа хўжалигимиз бўйича 600 дан ортиқ киши севимли рўзномамизга обуна бўлади. Бир истагимиз бор: сўнгги икки йил ичида аксарият бригадаларда пудрат ўз қудратини кўрсатди. Оддий кишилар орасидан беш йиллик зарбдорлари, ташаббускорлар етишиб чиқишди. Уларнинг муваффақиятлари, ажойиб фазилатлари ҳақида батафсил ҳикоя қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

ҲАҚИҚАТГА СОДИҚ БЎЛ

Ҳасанбой МАҲКАМОВ,

Ильич номли давлат хўжалиги директори

Далалар, ферма ва устахоналарни айланиб одамлар билан фикрлашсам, кўнглим тоғдек кўтарилади. Улар келажакка ишонч билан боқишаяпти. Бундай деяётганимнинг сабаби бор. Тўрт-беш йил аввал хўжаликнинг иқтисодий аҳволи ночор эди. Уста деҳқонлар ҳам бошқа хўжаликларга ўтиб кетишни ихтиёр қилиб қолишганди. Директор этиб тайинланганимдан сўнг калаванинг учини тополмай қийналдим. Агар раҳбар оғир дамларда одамларга суянса, улардан ширин сўзини, марҳаматини аямаса, ниятига етар экан. 8-бригада шийпонига отахонлар, онахонлар, мутахассисларни йиғдик. Қолоқликка барҳам бериш, барча соҳани бирдек ривожлантириб, иқтисодиётни мустаҳкамлашга қаратилган аниқ тадбирлар белгиланди. Оғир участкалар коммунистлар ҳисобига мустаҳкамланди. Жамоат чорвачилигини ҳам сердаромад соҳага айлантиришга аҳд қилдик. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси синчиклаб ўрганилди. Машинада сут соғиш усталари тайёрланди. Зарбдор соҳани ривожлантиришнинг муҳим шарти озуқа, озуқа ва яна озуқадир. Шу ниятда ихтисослашган бригада ташкил этилди. Улар етарли техника ва ишчи кучи билан таъминландилар. Моллар зооветеринария қоидалари асосида меҳр билан парваришланди. Қорамоллар бош сони 761 тага етди. Шундан 200 таси соғин сигир. Биринчи йилиёқ ҳар гектар ердан 300 центнердан силос учун кўкпоя, 50 центнердан макка дони олдик. Чорвадорлар учун қулай шароит муҳайё этилди. Дам олиш хонаси намунали жиҳозланган. Телевизор, радио, газета ва журналларнинг янги сонлари, кўчма дўкон, кутубхонагача бор. Финча ҳаммом ишга тушди.

Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга олиб келди. Шарофат Валиева, Ўғилхон Бегматова каби оқ чашма соҳибалари юксак кўрсаткичга эришдилар. Зарбдорлар ҳар сигирдан қарийб 3 минг килограммдан сут соғиб олиш ташаббусини бошлашди.

Турғунжон Шубаеванинг ўрни бўлакча. Қарамоғидаги 20 сигирни меҳр билан парваришлаяпти. Ҳар бир говмиш учун алоҳида дафтар тутган. Уларнинг феъл-атвори, кўрсаткичлари, ўзига хос томонлари қайд этиб борилади. Турғунжон молларни рацион асосида парваришлашга алоҳида эътибор беради. Шу боис ой сайин эришилган натижаларни мустаҳкамлаб бораяпти. Кунига ҳар бир говмишдан 10 килограммгача серқаймоқ сут соғиб олмоқда.

Авваллари емишнинг тайини бўлмаганлиги учун бўрдоқига боқилган моллар 400 килограмм вазн атрофида ғўштга топширилади. Оқибатда бош сондан ютқазиларди. Баъзида эса режа бажарилсин, деб маҳсулдор сигирлар ҳам қушхонага топширилиб юборилган вақтлар бўлган. Бўрдоқибоқарлар фаолияти устидан алоҳида назорат ўрнатдик. Ғамхўрлик талабчанлик билан қўшиб олиб борилди. Эндиликда ғўштга топширилаётган қорамолнинг ўртача тирик вазни 518 килограммни ташкил этаяпти. Бу йил бир центнер сутнинг таннархи режадаги 31 сўм ўрнига 26 сўмга тўғри келди. Қишловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрдик. Молхоналар вақтида созланди, белгиланганидан ортиқ ем-хашак жамғардик.

1990 йил хўжалигимиз деҳқонлари, боғбону чорвадорлари учун баракали келди. Шу кунгача давлатга 1.460 тонна картошка, 840 тонна мева, 1.250 тонна узум топшириб, йиллик режани зиёдаси билан адо этдик. Жами даромад 6 миллион 200 минг сўмдан ошади. Фойда 1 миллион 600 минг сўмдан кам бўлмайди.

Ҳозирги кунда ҳаётимизни матбуотсиз тасаввур қилиш қийин. Рўзномаларнинг коллектив ташвиқотчи, коллектив таргиботчи, коллектив ташкилотчилик вазифаси ҳар жабҳада яққол намоён бўлмоқда. Бироқ ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни ёзиш даркор. Баъзида марказий матбуотда чоп этилаётган айрим мақолалар ҳаётдан, ҳақиқатдан йироқ бўлганлиги сабабли деҳқонларимизни ранжитмоқда. Шундоқ ҳам уларнинг бўйнига осилган турли ёрлиқлар етиб ортади. Танқидбозлик, шовшув кетидан қувиш бизга фойда ўрнига кўпроқ зиён етказаяпти. 1991 йил учун матбуот нашрларига обуна бўлиш кўнгилдагидек бораяпти. Ноз-неъмат бунёдкорларининг яқин маслаҳатгўйи «Қишлоқ ҳақиқати»га хўжалигимиздан 700 киши ёзилади.

МУАММОНИНГ ЕЧИЛИШИ

Жўрахон САИДОВ,

Ульянов номли давлат хўжалиги ишчиси

Бўш қолдим дегунча матбуот нашрларига кўз югуртираман. Қайта қуриш меъморлари, илғорлар тажрибаси, дунё воқеалари ҳақидаги мақолаларни қизиқиб ўқийман. Сўнгги йилларда газетачилар фаолияти жонланди. Улар долзарб масалаларни дадил кўтариб чиқмоқдалар. Ўз ўрнини топмаган, тараққиётга тўғаноқ бўлаётган мансабдор шахсларни ҳам танқид остига олиб, кўзларини очишаяпти. Бироқ қаламкашлар баъзи воқеаларни тезкорлик билан ёритишда марказий матбуотдан орқада қолмоқдалар. Масалан, қишлоқларимизда аҳоли зич жойлашган, ишсизлар сони ортиб бораяпти. Бекорчилик туфайли турли кўнгилсиз воқеалар содир бўлмоқда. Хўш, муаммони ҳал этиш учун жойларда қандай тадбирлар амалга оширилаяпти? Худди шу мавзуда кам мақолалар берилаяпти.

Хўжалигимиз раҳбарлари ва мутахассислари аҳоли талабини инобатга олиб, ёрдамчи хўжалик ташкил этдилар. Ҳозирги кунда бу ерда дурадгорлик, қандолат, консерва ҳамда ёғ тайёрлаш цехлари ишлаб турибди. Янгилик шарофати туфайли 500 га яқин киши иш билан таъминланди. Тайёрланаётган маҳсулотлар харидорларга манзур бўлаяпти.

Консерва цехи бошлиғи Зокиржон Юсупов яхши ташкилотчи. Сўмни сўмга уриштира биладиган мутахассис. У ўз шогирдлари билан далаларда етиштириладиган сабзавот маҳсулотларидан сифатли консервалар тайёрлашга эришмоқда. Шаҳзода Мадалиева, Ҳамида Абдуллаева, Маҳфуза Умрзоқова каби ишчилар кунлик топшириқни бир ярим ҳисса адо этишаяпти. Уларнинг ойлик иш ҳақи 250 сўмдан ошмоқда. Омилкорлик, тежамкорлик туфайли мазкур цех бўйича бир йилда 1 миллион сўм атрофида даромад олинади.

Одамлар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказилганда улар дўконларда чинни идишлар камайиб кетганлигини таъкидлашди. Давлат хўжалиги директори И. Неъматов, бош инженер У. Нуриддинов ва қўли гул усталар бу муаммони ҳам ҳал этиш йўлини топдилар. Қўшни жумҳуриятдан Олег Жалилов бошлиқ шишадан уй-рўзғор буюмлари тайёрлашнинг ҳаддини олган мутахассислар таклиф этилди. Қулай ерда махсус цех ишга тушди. Ҳасанбой Насриддинов, Ботир Турғунов каби меҳнатсеварлар тайёрлаётган ажойиб буюмлар харидорларга маъқул ва манзур бўлмоқда.

— Биринчи йили 30 минг сўм фойда олишни мўлжаллаяпмиз, — дейди Олег Жалилов. — Энг муҳими — маҳаллий йигит ва қизлардан бу нозик касбни пухта эгаллаётган ҳунармандлар етишиб чиқмоқда. Меҳнатларим зое кетмади. Бир йилда ўнга яқин шогирд тайёрладим. Фикримча, ульяновликлар ташаббуси кўпчилик мулкига айланиши керак. Негаки мазкур янгилик ишсизликка барҳам бериш, иқтисодиётни мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир.

Исмоил Домлажонов бошлиқ комсомолёшлар ҳам хайрли ишга қўл урдилар. Улар давлат хўжалиги маъмурияти, касаба уюшмаси комитети мададига таянган ҳолда дала шийпонини мослаштириб, атлас цехи очдилар. Акром Валихонов, Раҳматилла Усмонов, Луқмонжон Дадамирзаев, Омонилла Қодиров тўқиётган ранго-ранг атласлар барчани бир кўришда мафтун этади. Айниқса, «Томчи» деб номланганига қизиқиш катта. Бир метри 28 сўмдан давлат дўконлари орқали сотилмоқда.

Даромадга қараб буромад, дейдилар. Катта ишлар бошида билимдон, эътиқодли, ҳамиша халқ манфаатини ўйлайдиган кишилар туришибди. Уларнинг жонбозлиги, фидойилиги туфайли барча соҳа бирдек ривожланмоқда. Бу йил давлатга пахтадан ташқари 4 минг тонна сабзавот, минг тонна узум етказиб берамиз. Даромад ҳар қачонгидан ҳам кўп бўлади. Бу билан нима демоқчиман. Биз севиб ўқийдиган «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасининг қаламкашлари ҳар бир янгиликни вақтида илғаб, матбуотда кенг ёритиб боришлари лозим. Сўнгги ойларда танқидий мақолалар анча камайди. Қишловга тайёргарлик масалалари ҳам кутилгандек ёритилаётгани йўқ. Биз ижодкорлардан ижтимоий соҳа муаммоларини ҳамиша диққат марказида тутишни илтимос қиламиз. Партком котибининг таъкидлашича, бу йил «Қишлоқ ҳақиқати»га ишчи-хизматчиларимиздан 724 киши обуна бўлади. Уруш ва меҳнат мўйсафидлари, боқувчисиз қолган кишиларга ана шу мақсад учун давлат хўжалиги ҳисобидан маблағ ажратилди.

Суҳбатдош:
Миргиёс ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофоти соҳиби.



Янгиқўрғон район партия ташкилоти ўз фаолиятини янгича талаблар асосида қайта қурмоқда. Қадоқ қўлли инсон манфаати оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий, ташкилотчилик ишлари марказига қўйилмоқда. Буларнинг ҳаммаси меҳнат муваффақиятларида, ҳал қилувчи бўғинларда юзага келаётган ватанпарварлик ташаббусларида ўз ифодасини топмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Район партия комитетининг биринчи котиби Т. Қирғизовнинг иш соатқ рўзномаларни кўздан кечиришдан бошланади. 2. «Гулшан» давлат хўжалиги бригада бошлиғи З. Охунова нжарачилар—А. Имомназаров ва К. Мамажонов билан илғор усул афзаллиги лари хусусида фикрлашмоқда. 3. Ульянов номли давлат хўжалиги бош инженери У. Нуриддинов эришилаётган натижалардан хурсанд.

Б. АЛИМОВ олган суратлар.

ГАП ҚАДР-ҚИММАТДА

Даврий нашрларнинг нархи ошганлиги кўпчиликка аён. Табиий, бу обуна жараёнига ўз таъсирини кўрсатаяпти. Лекин ташвишланишга асос йўқ. Излаган имкон топади. Асил газетхон учун вақтли матбуотнинг илҳомбахш кучи, тарбиявий аҳамияти ҳамма нарсадан муҳимроқ. У ташвиқотга муҳтож эмас: қалб амрига қулоқ тутиб, ўзи севган нашр учун маблағни аямаяпти.

Икки ҳафтача бурун Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлигида ўтказилган сим орқали мулоқотда Бухоро вилоятидаги аҳвол ҳақида танқидий фикрлар баён қилинганди. Ҳозир вазият қандай? Вилоятда бўлганимизда ана шу масала билан қизиқдик. Ғиждувон, Вобкент, Пешку районларида «Қишлоқ ҳақиқати» обунаси уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Бу муҳим ишга партия, совет ташкилотларининг вакиллари, жамоатчи фаоллар, алоқа ходимлари жалб этилган. Аммо Шофиркон, Олот, Свердлов районларида нашрларга ёзилиш талаб даражасида эмас. Мазкур жойлардаги мутасадди ўртоқлар бу борада самарали чораларни кўришлари лозим. Токи ғанимат фурсат бой бермасин.

Айни кунларда далаларнинг файзи, шукуҳи ўзгача. Сахий куз ўз сепини ёйган. Барча қатори ғиждувонлик пахтакорларнинг ҳам қўлиқўлига тегмайди. Улар етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, ғалаба маррасини эгаллаш учун суръат отига қамчи босаётирлар. Кексаю ёш хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Меҳнат самараси кўп жиҳатдан моддий манфаатдорликка боғлиқлиги бу йилги мавсумда исботини топаяпти. Пахтага яхши ҳақ тўланаётганидан барча мамнун. Ким билан суҳбатлашманг, шундан сўз очади, жумҳурият ҳукуматининг адолатли қароридан хурсандлигини изҳор этади.

Район партия комитети котиби В. Шодиева арман миллатига мансуб бўлса-да, ўзбек тилида эркин гаплашади. Турмуш ўртоғи ҳам ўзбек.

— Яширишнинг ҳожати йўқ: 1991 йил нашрларига обуна қийин кўчаяпти, — деди В. Шодиева. — Гап фақат газета-журналлар нархининг ошганлигида эмас. Илгари бу иш хўжакўрсин учун ўтказилар, кишиларнинг хоҳиш-истаги инобатга олинмасди. Энди ундай қилишга ҳаққимиз йўқ. Обуна — ихтиёрий. Нимага ёзилишни ҳар ким ўзи ҳал қилади. Районимизда «Қишлоқ ҳақиқати»нинг ихлосмандлари кўп. Пахтакор ва чорвадорлар, боғбон ҳамда соҳибкорлар уни севиб мутоала қиладилар. Рўзнома саҳифаларида чоп этилаётган материаллар қизиқарли, сермазмун ҳамда ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Ўтган йилги кўрсаткични сақлаб қолиш учун меҳнаткашлар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтираяпмиз. Корхона, ташкилот ҳамда хўжаликлар ҳам қараб туришгани йўқ. Кам таъминотли оилалар, уруш ва меҳнат кексалари жамоа маблағи ҳисобидан обуна қилинаяпти. Бу ўринда Ленин номли жамоа хўжалигини кўрсатиш мумкин. Ўттиз нафар онахон ва отахонлар янги йилдан «Қишлоқ ҳақиқати»ни бепул олиб ўқиш имкониятига эга бўлишди.

Терим мавсуми жўшқин, ҳаяжонли воқеаларга бой. Ленин номли колхозда тантананинг устидан чиқдик: давлатга 2.780 тонна оқ олтин сотилиб, йиллик режа районда биринчи бўлиб уддаланибди. Шунинг 600 тоннаси машиналарда йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик — 35 центнер. Ғалаба сарҳадини забт этиш пахтакорлар учун осон бўлмаганлиги аниқ. Оқ олтиннинг ҳар мисқоли кўз нури, юрак кўри билан йиғрилган. Бободеҳқон учун йилнинг тўрт фасли ҳам баробар. Кўклам ташвишлари, саратондаги қийинчиликлар ҳаммасидан ошиб тушди. Аксарият далалар шўр, тошлоқ. Заршунослар ана шундай қийин шароитга қарамай мўл-кўл ҳосил етиштириб, касбга садоқат намунасини кўрсатаяптилар. Тиниб-тинчимас, жонкуяр инсон Элмурод Холов катта рўзғорга бош-қош. Яқин вақтларгача хўжалик давлатдан қарздор эди. Ҳозир унинг ҳамёнида 2 миллион сўмдан зиёд маблағ бор. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, бу йил даромад чакки бўлмайди. Қўлда терилган пахтанинг ҳар килограммига 25—30 тийиндан ҳақ тўланмоқда. Ўнта терим машинаси хирмонга барака киритаяпти. Мусобақа ҳар ҳафта охирида якунланиб, илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Терим иштирокчиларига ҳозиргача 600 минг сўмдан зиёд пул тарқатилди.

Хўжаликда юқори ҳосил усталари кўп. Ориф Қўлдошев, Норпўлат Тоҳиров, Муртазо Тошев, Нозим Шамсиддинов, Муҳаммад Рўзиевлар етакчилик қилаётган бригадаларда 35—40 центнердан сифатли хом ашё етиштирилди. Барча майдонларга «Бухоро-6» навли чигит экилганди. У эртапишарлиги, сувсизликка чидамлилиги ҳамда ҳосилдорлиги жиҳатдан айни деққонбоп. Аммо битта «айб»и бор: толаси мўрт. Шунинг учун мавсум бошидан бери иккинчи сортга қабул қилинаяпти. Албатта, бу деққон чўнтагига зиён. Воҳа пахтакорлари «Бухоро-6»га мос давлат стандарти ишлаб чиқилишини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Чунки ҳозирча амалда у йўқ. Мутасадди ўртоқлар бу хусусда жиддийроқ ўйлаб кўришлари керак.

— Далаларимизда ҳали ҳосил мўл, — деди хўжалик правлениеси раиси Э. Холов. — Режа уддаланган бўлса-да, терим суръати бўшаштирилмаётир. Мўлжалимиз— ялпи хирмонни 3 минг тоннага етказиш. Меҳнатдаги ютуқларимизда «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасининг ҳиссаси оз эмас. Биз у орқали илғор тажриба ва ташаббусларни, мутахассислар маслаҳатларини ўрганамиз, замондошларимизнинг орзу-ўйлари, қувонч ва ташвишларидан огоҳ бўламиз. 1991 йил учун кўпчилик «Қишлоқ ҳақиқати»га ёзилаётганлиги ҳам шундан. Тўғри, ҳозирги иқтисодий шароитда бола-чақа ризқидан юлиб, 17—18 сўм ажратиш баъзи онлалар учун оғир. Ҳар ким кўрпасига қараб оёқ узатади. Шуни ҳисобга олиб, уруш ва меҳнат кексаларидан ўттиз кишини хўжалик маблағи ҳисобидан обуна қилишга келишдик. Албатта, бу дарёдан томчи. Лекин гап сонда эмас, балки қадр-қимматда. Эл-юртга хизмати синган кишиларни ардоқлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Н. ТОШЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Ўлкамиз неъматлари

КЎМАКДОШЛАР

Асакалик деҳқонларнинг тажрибаси, айниқса пахта етиштиришдаги салоҳияти азалдан маълум. Энг мураккаб келган йилларда ҳам улар давлат буюртмасини адо этиб, давраларнинг тўрини эгаллашган. Бу йилги ниятлари эса қутлуғ. Асакаликлар 24 минг тонналик хирмон учун астойдил курашмоқдалар. Пахта йиғим-теримида юксак унумга эришишнинг муҳим омили теримда иштирок этаётган дала меҳнатчиларига қулай шарт-шароит яратилишидир. Уларга тиббий, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш қай даражада яхши бўлса, иш суръати ҳам шу қадар юқори бўлиши табиий. Мухбиримиз А. ҚОРАБОЕВ ноҳияда пахтакорларга хизмат кўрсатишга мутасадди бўлган ташкилот ва корхоналар раҳбарларига саволлар билан мурожаат қилди.

Н. КАМОЛОВ. — ноҳия соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири:

— Ҳар қандай соҳада юқори унум билан ишлаш инсоннинг саломатлигига боғлиқ. Пахта йиғим-теримининг ўзига хос машаққати бор. Айниқса, биз — шифокорлардан мавсум пайтида ўта хушёрлик, сезгирлик, қизиржаволик талаб қилинади. Куз — энг мураккаб фасл. Бу пайтда болалардан тортиб, кексаларгача пахтазорда бўлишади. Теримчи эрталабданоқ шабнамга юради. Рўза баргини тўкиш учун дори сепишнинг ўзи бир хавф.

Биз теримда иштирок этаётганларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида қатор тадбирларни белгиладик ва унга масъул кишиларни тайинладик. Ноҳия санитария - эпидемиология станцияси дала шийпонларидаги саранжом-саришталик, озадалик талабларига амал қилинишини назоратга олган.

Дала шийпонларида кичик дорихоналар ташкил этилган. Уларни дори-дармонлар билан таъминлаш 27-дорихона зиммасига юклатилган. Бу соҳада ҳам ҳафтада ахборот эшитиб турамиз. Бундан ташқари, кўчма дорихона теримчилар хизматида.

Саломатлик бригадасига терапевт, гинеколог, болалар шифокорларини биркитганмиз. Улар билан бирга лектор-шифокорлар ҳам ҳаракатда.

Ҳар бир қишлоқ шифохонаси ва ноҳия марказий шифохонаси қошида «Тез ёрдам» гуруҳи кечасию кундузи навбатчилик қилаётир. Бир қатор дала шийпонларида эса шифокор кўригидан ўтказиш хоналарини ташкил этдик. Айниқса, болали аёлларнинг, болаларнинг саломатлиги ҳамиша диққат марказида. Кўчма болалар боғчасида тарбияланаётган болаларни деярли қунора кўрикдан ўтказиб туришга ҳаракат қилаётирмиз. Шу мақсадда ҳар бир дала шийпонига шифокорлар ва ўрта махсус тиббий ходимларни биркитганмиз. Улар кундалик ишлари тўғрисида ҳисоб беряптилар.

Х. СОБИРОВ — «Пролетар» маглубот жамияти бошқаруви раиси:

— Бизнинг савдо ходимларимиз ноҳиямиздаги энг йирик «Правда Востока», «Социализм» ҳамда Бобур номли жамоа хўжаликлари меҳнаткашларига хизмат кўрсатаяпти. Дала шийпонларида 40 та сотувчисиз дўкон ташкил этганмиз. Уларни биринчи навбатда ун, шакар, совун, калиш билан таъминлаяпмиз. Ҳамма сотувчисиз дўконларда ҳамиша ун бўлишини назорат қилаётирмиз. Ҳозирга қадар механизаторлар учун 370 та пиджак, 270 та телпак, 100 жуфт этик, 300 жуфт калиш етказиб бердик. Булардан ташқари, 1000 дона совға тайёрлаб сотишга чиқардик.

Энг муҳими теримчиларнинг вақтини тежашдир. Шу мақсадда 2 та автодўкон ажратилган. Кўчма дўкон мудирлари С. Умаров «Правда Востока»» колхозига, А. Абдуваҳобов эса «Социализм» ва Бобур номли колхозларга хизмат кўрсатаётир. Улар қайси бригада дала шийпонига бориб савдо қилса, теримчиларнинг талабномаларини ёзма равишда олиб, бизга етказиб турибди. Шу асосда аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилаётирмиз. 52 та дўконнинг иш соатини икки соатга узайтирдик.

Ҳар ўн кунда теримчиларга савдо хизмати кўрсатишнинг аҳволини ўрганиб, таҳлил қилиб, бошқарув йўғилишида кўриб чиқаётирмиз. Мақсадимиз битта: пахта йиғим-теримида иштирок этаётганларнинг талаб ва эҳтиёжларини мумкин қадар тўлароқ қондириш, уларнинг вақтларини тежаш, унумли меҳнат қилишлари учун қўлимиздан келганича хизмат қилишдир.

Ғ. ҚЎЛДОШЕВ — район нон комбинатининг директори:

— Деҳқон нонсиз далага чиқмайди, чиқса ҳам кўнгли тўлиб ишламайди. Пахта йиғим-терими даврида кун қисқаради. Бунинг устига айнан нон ёпадиган аёлларимиз уззукун пахтазорда банд. Уларнинг ўғирини енгил қилишга уринаяпмиз. Энг аввало комбинатимизда цехларини зарур хом ашё билан таъминлаб турибмиз. Иложи борича кўпроқ нон ва булочка тайёрлашни йўлга қўйганмиз.

Биз учун энг муҳими — теримчиларга эрталаб ва кечқурун иссиқ нон етказиб беришдан иборат. Ҳар бир хўжаликда 4—5 тадан новвойхона узлуксиз ишлаб турибди. Комбинатимиз эса кўпроқ «Коммунизм», Карл Маркс номли, Энгельс номли, «Ўзбекистон», «Правда Востока», «Социализм» жамоа хўжаликларининг теримчиларини янги ёпилган нон билан таъминлаётир.

С. ҚАҲҲОРОВ — ноҳия умумий овқатланиш корхонаси бошлиғи:

— Пахта йиғим-терими муносабати билан ошхоналар, буфетларнинг иш соатини узайтирдик. Айниқса, эрталаб енгил иссиқ овқат тайёрлашни кенг йўлга қўйганмиз.

Қишлоқларда, аҳоли яшайдиган дала жойларида қўшимча сомсахона ва мантихоналар очдик. Уларда асосан тушлик учун мазали таом тайёрланмоқда. Шунингдек, теримда иштирок этаётганларни ошпазлик ва қандолатчилик маҳсулотлари билан ҳам таъминлаётирмиз.

М. ШОНАЗАРОВ — ноҳия маданият бўлимининг бошлиғи:

— Махсус тузилган автоклубимизга сўз усталари, хонанда ва созандалар, қизиқчи ва аскиячилар, маҳаллий шоир ва ёзувчилар жалб этилган. Алоҳида кўчма кутубхонамиз ҳам бор. Концерт репертуаримиз ранг-баранг, театрлаштирилган кўринишларимиз замонавий мавзуларда.

Автоклубимиз график асосида хизмат қилаётир. Ҳар куни битта хўжаликда бўлишади. Ўша ердаги ютуқларни элга етказади, илғор теримчилар, механизаторларнинг тажрибалари оммалашувига кўмаклашади.

Ленин ноҳияси пахтакорларига кўрсатилаётган беминнат хизмат зое кетаётгани йўқ. «Правда Востока» жамоа хўжалигининг И. Раҳимов ва Э. Мирзаолимов етакчилик қилишаётган бригадалари пахтакорлари районда биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекишди. Районда машина терими оммавий бошлаб юборилган.

Оқолтин районидаги Ризамат Мусамуҳамедов номли давлат хўжалиги боғбонларни ва соҳибкорлари тайёрлов пунктларига 1.390 тонна ўрнига 1.440 тонна мева топшириб, бу соҳадаги режани знёди билан бажардилар. Меҳнат зафарига айниқса Имонбой Бойбўсинов, Ортиқбой Мирзабеков ва Абдусамад Аҳмедов каби ижарачилар муносиб ҳисса қўшишди. Улар мутаносиб равишда 600, 250, 220 тонна олма ва узум йиғиштириб олдилар.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор ижарачилар Ортиқбой Мирзабеков ва Имонбой Бойбўсинов. 2. Нақшин олмалар. 3. Иқтисодчи Абдураззоқ Маматмусаев (чапда) ва ижарачи Абдусамад Аҳмедов жўнатишга тайёрланган мевани кўздан кечиришаяпти.

В. ТЎРАЕВ олган суратлар.

ХУШХАБАР

ВИТЕБСК. «Витязь» маҳаллий бирлашмаси ишлаб чиқара бошлаган аппаратлар йўлдош телевидение системаси орқали икки юзтагача программани қабул қила олади. Дастлабки 20 шундай қурилма видеосалонларни жиҳозлаш учун Белоруссия маданият ва истироҳат боғлари бошқармасига келтирилади.

* * *

ГРОЗНИЙ. Чечен-Ингушия АССРда Қозоғистон адабиёти кунлари бошланди. СССР халқ депутати У. Сулаймонов, С. Муротбеков, Қ. Қоратаева, А. Аширов, Г. Кан каби сўз усталари ва бошқалар ўз ҳамкасблари ҳузурига келдилар. Қардош жумҳурият адиблари Чечен-Ингушия шаҳарлари ва қишлоқларидаги меҳнат жамоалари билан, илмий ҳамда ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашадилар.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЭКОЛОГИЯГА ДОИР

БРЮССЕЛЬ. **(ТАСС мухбири Валерий ШАШКОВ).** Бу ерда эълон қилинган маълумотнома муаллифлари мутахассисларга ва кенг жамоатчиликка мамлакатда атроф муҳит аҳволининг кенг қамровли манзарасини ҳолисона кўрсатиб беришни мақсад қилиб қўйганлар. Маълумотнома Бельгия атроф муҳит масалалари ва ижтимоий эркинлик давлат секретариатининг буюртмасига мувофиқ гигиена ва эпидемиология институти мутахассислари томонидан тайёрланган. Ҳужжатда ҳаво, тупроқ, сув булғатилиши, шовқин даражаси, рўзғор ва саноат чиқитларини қайта ишлаш даражаси ҳақидаги илмий маълумотлар биринчи марта бирлаштирилган.

Маълумотномадан маълум бўлишича, сўнгги ўн йил ичида асосан атом электр станциялари қуриш ва ёқилғининг экология жиҳатидан соф турларини қўлланиш ҳисобига ҳавога чиқариладиган олтингугурт ангидрид миқдорини икки баравар камайтиришга муваффақ бўлинди. Бироқ катта шаҳарларда ҳаводаги автомобиль моторлари ишлаётганда ажралиб чиқадиган азот оксиди ва «кислота ёмғирлари»ни келтириб чиқарувчи олтингугурт ангидриди миқдори жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан белгиланган нормалардан кўпинча ошиб кетмоқда.

Дарёларнинг ҳолати алоҳида ташвиш уйғотмоқда. Мунтазам ўтказилаётган бактериология ва химия анализлари кўпгина дарёлар суви ичиш учунгина эмас, ҳатто чўмилиш учун яроқсиз эканлигини кўрсатмоқда. Сўнгги вақтда минерал ўғитлардан кўп фойдаланиш оқибатида ер ости сувларида ҳам нитратлар миқдори кўпая бошлади.

Шовқин даражаси эса жуда ташвишли. Маълумотномада келтирилган рақамларга қараганда, Бельгияда аҳолининг 55 децибеллдан 85 децибеллгача шовқинда яшаётган қисми қўшни ГФР, Франция ва Голландиядагидан икки баравар кўпдир.

Атроф муҳит масалалари ва ижтимоий эркинлик давлат котиби Мит Смитхоним ушбу ҳужжатни тақдим этаётиб айтганидек, асосий кучғайрат сувни тозалашга ва ҳавога «иссиқхона эффекти»ни ривожлантиришга кўмаклашувчи углерод оксиди чиқарилишига қарши курашга қаратилади.

ТОТУВЛИККА ЭРИШИШ САРИ

МАНАГУА. **(ТАСС мухбири Игорь ПШЕНИЧНИКОВ).** Никарагуа ҳукумати сандиночиларнинг назорати остидаги қасаба уюшмалари билан иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш хусусидаги сандиночилар миллий озодлик фронтининг талабини бажаришга рози бўлди. Сандиночилар миллий озодлик фронти раҳбари Даниэль Ортега сешанба куни журналистлар билан бу ерда бўлган учрашувда таъкидлаганидек, жумҳурият ҳукумати ҳақиқий миллий тотувликка эришиш учун шарт-шароитлар яратиш сари ижобий қадам ташламоқда ва ўзининг меҳнаткашлар талабларини қондириш мақсадида «олға силжиш ниятида эканлигини намойиш қилмоқда». Маъмурлар билан сандиночилар касаба уюшмалари ўртасида келиб чиққан можаро туфайли Никарагуадаги ижтимоий кескинлик давлат ҳизматчилари янги иш ташлашлари хавфини келтириб чиқарди ва у ҳукуматни беқарор қилиб қўйиши мумкин эди. Бироқ Д. Ортега берган баёнот мамлакатда ижтимоий танглик хавфи тобора пасайиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Сандиночилар миллий озодлик фронтининг раҳбари кейинги кунларда президент ҳузуридаги вазир Антонио Лакайо билан бир қанча учрашувлар ўтказганлигини маълум қилди. Учрашувларда давлат шўъбасида одамлар ишдан бўшатилишини тўхтатиш хусусида ҳукумат қарори эълон қилинди. Вазир маъмурларнинг мамлакатдаги ўткир ер муаммосини ҳал этиш учун мукаммал комиссия тузиш ниятида эканлигини айтди. Бундан ташқари А. Лакайо ҳукумат номидан собиқ мулк эгаларига, шу жумладан Никарагуага қайтиб келган сомосачиларга сандиночилар ҳукумати мусодара қилган ерлар ва бошқа мулкни қайтиб бермаслик мажбуриятини олди.

Сешанба куни Манагуада Д. Ортега билан А. Лакайо ўртасида эришилган аҳдлашувлар доирасида ҳукумат ва сандиночилар тарафидаги энг катта касаба уюшмаси бўлган меҳнаткашлар миллий фронти вакиллари ўртасида расмий музокаралар бўлди. Унинг натижалари ҳозирча эълон қилинмади. Бироқ, Д. Ортеганинг таъкидлашича, музокаралар чоғида ҳукумат меҳнаткашларни тўлқинлантираётган масалаларни ҳал этиш учун зиммасига мажбурият олиши керак. Миллий мулоқотнинг режалаштирилган янги даврасида меҳнаткашлар миллий фронтининг иштироки ана шу музокараларнинг натижасига боғлиқ бўлади.

Сандиночилар миллий озодлик фронти раҳбарининг сўзларига қараганда, ҳозирча воқеалар меҳнаткашлар миллий фронти миллий мулоқотда қатнашиши фойдасига ривожланмоқда, унинг мақсади мамлакатни оғир иқтисодий танглиқдан олиб чиқиш учун миллий тотувликка эришишдан иборат. Д. Ортега сандиночилар миллий озодлик фронти меҳнаткашлар миллий фронти тутган йўлни қўллаб-қувватлайди, деб айтди. Миллий меҳнат фронти истисносиз барча никарагуаликлар манфаатларига жавоб берадиган иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг кенг қамровли дастури ишлаб чиқилиши учун ҳаракат қилмоқда.

НОСОЗЛИК ОҚИБАТИ

НЬЮ-ЙОРК. **(ТАСС мухбири Владимир МОСТОВЕЦ).** Нью-Йоркнинг шимолида жойлашган «Индианпойнт» атом электр станциясининг реакторларидан бирида авария содир бўлгандан сўнг станция ҳудудидан юздан ортиқ ишчи ва хизматчи олиб кетилди. «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар қилишича, уран қўшоксиди бўлган юксак даражада радиактив 400 та негиз маҳкамлаб қўйилган иккита махсус узел номаълум сабабга кўра реакторнинг ўзаги орасидан кўтарилиб тўхтаб қолди.

Хавф шундаки, ҳозирча аниқланмаган техникавий носозлик оқибатида иккала узелнинг бирданига пастга тушиб кетишини исталган дақиқада кутиш мумкин. Бу эса радиактив моддаларнинг реактордан ташқарига чиқиб кетишига сабаб бўлади. Мутахассислар юз берган вазиятни «анча жиддий» деб таърифладилар.

Атом электр станциясининг маъмурияти бу воқеа ҳақида Нью-Йорк штатининг маъмурларига ҳамда мамлакат электр станцияларидаги ядро қурилмаларини назорат қилувчи комиссияга хабар қилди. Ҳозирги вақтда атом электр станциясида ҳар қандай ишлар тўхтатиб қўйилди. Мутахассислар илгари АҚШнинг бошқа атом электр станцияларида икки марта ана шундай ҳодиса юз берганлигини ҳисобга олиб аварияни тугатишга киришдилар.

ЖИНОЯТЧИЛИК КЎПАЙМОҚДА

СОФИЯ. **(ТАСС мухбири Александр СТЕПАНЕНКО).** Болгария иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муаммолар кескинлашувини бошидан кечираётган бир пайтда жиноятчилик ҳам энг қийин масалалардан бириги айланмоқда.

Шу йилнинг дастлабки тўққиз ойи давомида мамлакатда 35914 та жиноят содир этилди. Айниқса Бургас, Варна, Пловдив, Қиржали ва Ямболда вазият ташвишли. Ана шу ғайри қонуний ҳаракатларнинг анча қисми оғир жиноятлар эканлигидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ташвишланмоқдалар: талончилик, номусига тегиш кўпаймоқда. Бундай жиноятлар кўпинча жуда шафқатсизлик билан амалга оширилмоқда. Болгария ички ишлар вазирлигининг масъул ходими Эмил Николов «Отечествен вестник» газетаси мухбири билан суҳбатда шуларни хабар қилди.

Унинг гапларига қараганда, ғаразли мақсадларда ёки бошқа жиноятларни яшириш учун қотиллик қилиш сони кўпайиб бормоқда. Автомобиль эҳтиёт қисмлари жуда тақчил бўлиб қолган шароитда автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ўғирлаш кўп марта кўпайди. Яна бир «долзарб» тамойил: уйларни бузиб кириб ўғрилик қилишнинг кўпайганлигидир. Давлат ва кооператив омборлари, умумий овқатланиш корхоналари эшикларини бузиб талаб кетишмоқда. Ўғрилар кофе, спиртли ичимликлар, сигареталар, рўзғор электр техникасини олиб кетишмоқда. Олтин ва кумуш буюмларни, пул, маданий бойликларни ўғирлаш ҳоллари ҳам кам эмас.

Жиноятларнинг 16,2 фоизини балоғатга етмаганлар содир этмоқда (бу кўрсаткич ўтган йилнинг дастлабки тўққиз ойида 11,4 фоизни ташкил этган эди). Мамлакатда уюшган жиноятчилик мавжуд. Ушбу ижтимоий иллатга қарши курашнинг самарадорлигига келганда эса, бу соҳадаги иш кўнгилдагидек эмас. Юқорида айтилган деярли 36 минг жиноятдан атиги 41 фоизи очилди.

СЎНГГИ СОАТДА

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлар яқин 4—8 ҳафта ичида Ироққа қарши уруш бошлаши мумкин. Америкада чиқадиган «Ю. С. Ньюс энг уорлд рипорт» журнали ана шундай тахмин қилмоқда. Дипломатлар Форс кўрфазидаги тангликни бартараф этишнинг тинч йўлларини излашни давом эттираётган бир пайтда, деб таъкидлайди журнал. Қўшма Штатлар Саддам Ҳусайн билан аввалроқ тўқнашиш йўлига ўтмоқда, деган миш-мишлар кучайиб бормоқда. «Буш маъмурлятининг Ироқ Қувайтни йўқ қилиб ташламоқда», уруш қанчалик чўзилса, бу мамлакат шунча кам қолади, деган гаплари бундай таҳмин қилиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, деб ёзади журнал вакиллар палатаси қуролли кучлар ишлари комитетининг раиси Лес Эспиннинг гапларига асосланиб, «маъмурият келгуси йилнинг бошларида Ироқ биологик қурол ишлаб чиқариши мумкин, деб ташвишланмоқда».

ТОКИО. Корея жумҳурияти билан Совет Иттифоқи ўртасидаги товар оборотн ҳажми шу йилнинг январь-июль ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 71,4 фоиз кўпайди. Ренхап ахборот агентлиги шу ҳақда хабар қилди. Шу йилнинг етти ойи давомида икки томонлама товар оборотн ҳажми 415,6 миллион долларга етди. СССР билан Корея жумҳурияти ўртасида яқинда дипломатия алоқаларининг ўрнатилганлиги савдо-сотиқнинг ривожланишига омил бахш этди, савдо ҳажми, деб ёзади агентлик, 1990 йилда 1,2 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Жанубий Кореядаги энг йирик саноат бирлашмаларидан бири «Лакиголдстар»нинг Москвада корейс савдо марказини қуриш режаси икки томонлама савдо-сотиқ тез ўсаётганлигининг натижасидир. Айтмоқчи, Москвада ҳозирнинг ўзидаёқ Жанубий Кореядаги бир қанча корпорацияларнинг филиаллари очилди.

ВАРШАВА. Турли сиёсий ва жамоат ҳаракатлар вакилларининг Краковдаги Ягеллон доришфунида бўлиб ўтган учрашувида Тадеуш Мазовецкийнинг Умумпольша сайлов комитети тузилди. Польша вазирлар кенгашининг раиси Т. Мазовецкий мамлакат президенти лавозимига ўз номзоди овозга қўйилишига розн эканлигини айтгандан сўнг ушбу комитет тузилди.

Марказчи кучлар иттифоқи президент лавозимига, «Бирдамлик» касаба уюшмаси раиси Лех Валенса номзодини қўллаб-қувватловчи дъватни эълон қилди.

Бундан ташқари реал сиёсат иттифоқининг раиси Янош Корвин-Микке ва христиан демократик меҳнат партияси бош бошқаруви раиси Владислав Сила-Новицкий Польша президенти лавозимига ўз номзодларини кўрсатдилар.

«Демоско» жамоатчилик фикрини сўраб билиш хусусий агентлиги ўтказган саволжавоб натижаларига кўра катта ёшдаги аҳолининг 34,8 фоизи Лех Валенса Польшажумҳуриятининг президенти бўлиши керак, деб ҳисоблайди; 29,8 фоизи бу лавозимни Тадеуш Мазовецкий эгаллашини афзал кўради.

НЬЮ-ЙОРК. Кўп марта фойдаланиладиган «Дискавери» космик кемасининг экипажи ўзининг асосий вазифасини бажариб бўлиб, яъни қуёшни ўрганиш учун мўлжалланган «Улисс» космик зондини космосга чиқариб, режалаштирилган илмий тажрибаларни ўтказишга киришди.

(ТАСС).

СССР Ички ишлар вазирлиги шарҳи

ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШАЯПТИ

Истеъмол бозоридаги вазиятнинг ғоят кескинлиги ва халқ истеъмол моллари тобора тақчил бўлиб бораётганлиги иқтисодиёт соҳасида хавфли жиноятларнинг содир бўлишига олиб келмоқда. Сакксиз ой ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўғрилик ва кўп миқдорда ўғрилик қилиш тўртдан бир баравар кўпайди, порахўрлик ва чайқовчилик ҳоллари эса 16 фоиздан знёдроқ кўпайди. Шу муносабат билан СССР Ички ишлар вазирлиги социалистик мулкни ўғирлашга қарши кураш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари **В. П. Абросимов** ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди:

— Очиқ савдо оборотидан кўпгина молларнинг йўқ бўлиб кетиши тақсимотнинг пинҳоний соҳасида нарх-навонинг кескин қимматлашишига кўмаклашади. Тақчил бўлиб қолган молларнинг ўртача нархи чайқовчиларда чакана нархлардан 2—5 баравар ва ўндан ҳам қимматроқдир.

Истеъмол бозорида талаб билан таклиф этилаётган моллар ўртасидаги номутаносибликнинг сақланиб қолаётганлиги ғайриқонуний савдо кордонлиги турли шаклларининг ривожланишига олиб бормоқда. Ички ишлар органларининг расмий маълумотларига қараганда 1990 йилнинг 1 сентябригача ана шундай «кордон»ликда 185 мингдан ортиқ киши иштирок этган.

Аҳолини озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлашда ижобий силжиш бўлмаяпти. Масалан, Москва шаҳрида ҳар куни савдога режалаштирилганига нисбатан 20 миллион дона сигарета ва папирос кам етказиб берилмоқда. Макарон, ёрма, товуқ, тухум савдосида узилишлар бўляпти. Ленинградда ҳам аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги аҳвол ана шундай.

Россия Федерациясида, Қозоғистон ССРда, Молдова ССРда, Тожикистон ва Туркманистон ССРда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг аҳволи деярли ўзгармади, Украина ва Белоруссиянинг бир қанча вилоятларида эса аҳвол ёмонлашмоқда. Бу энг аввало деҳқончилик-саноат комплексида умуман саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш шу йилнинг 8 ойи давомида 613 миллион сўмлик камайганлиги билан боғлиқ.

8 ой ичида умуман мамлакатда режадагига нисбатан 12 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари кам тайёрланди.

Бундан ташқари халқ хўжалигининг енгил саноат каби тармоғи тез таназзулга учрамоқда. Бунинг сабаби шундаки, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш режаси моддий-техника ресурслари билан мутаносиблаштирилмаган эди.

Мамлакат ички ишлар органлари истеъмол бозорига барқарор этувчи таъсир кўрсатиш мақсадида истеъмол бозори соҳасида ғаразли ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш учун мумкин бўлган барча чораларни кўрмоқдалар.

Асрлар садоси

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ

Шарқшунос Ф. Рихтгофен «Буюк ипак йўли» деган иборани ишлатиб, ўзининг 1977 йилда нашр этилган «Хитой» номли китобида бу давлатнинг қўшни, олис мамлакатлар билан қадим замонларда қилган алоқаси тўғрисида гап юритилади. Фақат ипак толаларигна Ғарбнинг бадавлат одамлари учун четдан келтириладиган асосий материал бўлмаганлигига қарамасдан бу йўл юқорида тилга олинган ибора билан аталди. Уни ишлаб чиқариш сири узоқ вақт мазкур мамлакатда сақланиб қолди, ташқарига чиқмади.

Одатда «Буюк ипак йўли» деб юритила бошланганлигини эрамиздан аввалги 138 йилда хунларга қарши курашда Хитойга иттифоқдошлар излаб сафарга чиққан сарой амалдори Чжань Цяннинг халқаро масалаларда нотўғри иш тутганлигига боғлайдилар. Омадсиз бу киши хунлар эгаллаб турган ҳудудлардан ўтиб кетолмайди ва ўн йил асирликда сақланади. Сўнгра назорат сусайганлигидан фойдаланиб, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон орқали ватанига қочади. Орадан фақат ўн икки йил ўтгандан кейингина ҳоқон У-Ди (эрамиздан аввалги 140-87 йиллар) ҳузурига етиб келади. Чжань Цяннинг ғарбий ўлкаларда жойлашган катта мамлакатлар, унумдор, бой ерлар, ёввойи нарсалар ва ҳайвонлар тўғрисидаги ҳикоялари ҳоқонни қизиқтириб қўяди. Отнинг «самовий зотлари» ҳақидаги гаплар уни айниқса, ҳайратга солади. Уларни сотиб олиш ёки Хитой молларига алмаштиришга уриниш беҳуда кетади.

Эрамиздан аввалги 104 ва 102 йилларда улкан ҳоқон армиясининг (60 ва 100 минг кишилик) Довони (Фарғона) пойтахти — Эрша шаҳрига (тарихчилар уни ҳозирги Қўқон ўрнида жойлашган деб ҳисоблайдилар) икки марта қилган юриши Хитой учун кутилган натижани бермайди. Лекин Ғарбга томон йўл шундан кейин маълум бўлади.

Хитойдан Ўрта Осиёга олиб келувчи йўлнинг биринчи кашфиётчиси ҳисобланган Чжань Цянь шундай ёзади: «Дасада (Бақтрия) бўлган пайтимда мен бу ерда Цюндан бамбук ҳассалар, Шудан (Хитой вилоятлари) канап матолар келтирилганлигини кўрдим. Мен бунинг сабабини сўрадим. Савдогарлар уларни сотиш учун Шэнь дуга боришларини айтдилар».

Кўриниб турибдики, уддабурон кишилар ҳарбийлардан анча аввал душманларни эмас, балки дўстларни қидириб топишга ҳаракат қилганлар.

Олимларнинг тадқиқотлари (Аҳмадали Азларович Азларов, Юрий Федорович Бурянов) кўрсатдики, «турли минтақалар ўртасида товар айирбошлашда катта роль ўйнаган алоқа йўллари эрамиздан олдинги биринчи минг йилликлардаёқ маълум эди. Ушанда кенг скифлар йўлаги ажралиб турар, қабилалар унда фаол ҳаракат қилар, товарлар ташиларди». Хитойдан Ўрта Осиёга йўл очилганди.

Қадимги замонлардаги йўллар машаққатли ва хатарли эди. Йўловчиларни қароқчилар пойлаб ётардилар. Айни чоғда озиқ-овқат, дон етишмаслиги, мураккаб тоғ довонлари, жазирама иссиқ, совуқ азоб берарди. Одамлар йиллаб юришга мажбур бўлардилар. Эрамиздан аввалги I асрда яшаган хитойлик тарихчи Сим Цянинг ёзишича, олис давлатларга кетган кишилар орадан 8—9 йил ўтгандан кейин қайтишарди. Савдо йўлларидан минглаб километр узоқда жойлашган ерларда ишлаб чиқарилган буюмларга дуч келинарди. Масалан, Бельгиянинг Юн деган шаҳридаги бош черков омборидан VIII асрда «зандаги» номида машҳур бўлган газмол чиқди. Ваҳоланки, у Бухоро яқинидаги Зандон қишлоғида тўқиларди. Кавказда Тан давридаги (эрамиздан олдинги 618—907 йиллар) буюмларга (ипак, тери, ёғоч) дуч келинди.

Японияда Сесонн ҳоқонлик қилган даврдаги ибодатхона хазинахонасида Ўрта Осиёда ясалган тилла коса, Хитойда эса турк тилидаги ёзувлари бўлган кумуш идишлар сақланмоқда. Шу мисолларнинг ўзиёқ Шарқ ва Ғарб бевосита Ўрта Осиё орқали савдо алоқалари қилганлигидан шаҳодат беради.

Оҳангарондан топилган ажойиб олтин медальонга алоҳида тўхталиш зарур. Унинг олд томонига қалпоқ қийиб, қалқон тутган ҳоқон тасвири туширилган. Пастига: «Бизнинг ҳокимимиз Юстиниан, умрбод Август» деб ёзилган. Орқа томонида қадимги замонларга хос классик мазмун — икки болани эмизаётган она бўри сурати акс эттирилган. Бу манзара Бунжикат (Тожикистон) ёзувларидан, турк ривоятларидан ҳам маълум эди.

Буюк ипак йўли Шарқу Ғарбда турли музофотларга тарқалиб кетар, Мовараунаҳр ерларида бир тармоққа туташарди. Савдогарлар ва сайёҳлар юксак тоғ довонларидан ўтгач, икки йирик сув ҳавзаси — Сирдарё ва Амударёга чиқардилар. Бу дарёлар улар йўлида катта тўсиқ ҳисобланарди. Сирдарёдан ўтиш жойлари ҳозирги Чиноз шаҳри, Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли давлат хўжалиги, Тожикистон ССРнинг ҳозирги Ленинобод вилоятида жойлашган бўлиб, ўша замонларда машҳур саналган. Шимолий Бақтрияда антик дунё даврида учта ўтиш жойи бўлганлиги археологлар томонидан аниқланди.

Пойтахт вилоят ҳудудларидан Буюк ипак йўли ўтганми? Бу ҳақда қандай маълумотлар бор? Агар шундай бўлса, улар қандай йўналишда ҳаракат қилганлар?

Ўзбекистон олимлари халқлар ўртасидаги мулоқот воситаси сифатида Буюк ипак йўлининг қуруқликдаги йўналишларини ўрганишда ўз олдиларига айни шу вазифани қўйдилар. Шу билан бирга ўтган замонлар маданий меросини тадқиқ қилиш устида ҳам ишлар олиб борилиши керак. Қисқаси, бу борада ўрганилиши лозим бўлган кўпгина масалалар бор. ЮНЕСКО 90-йилларни Буюк ипак йўлининг ўн йиллиги деб эълон қилганлигини унутмаслик зарур.

Совет маданият фондининг Ўзбекистон бўлими ва жумҳурият ўлкашунослар жамияти ташаббуси билан уюштирилган «Буюк ипак йўли» сафари иштирокчилари айни шу йўналишда иш олиб бормоқдалар. Унинг таркибида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг археология (раҳбари М. Р. Тиҳонов), тарих (этнограф С. А. Ашуров), зоология ва паразитология (С. М. Бочкарёв, Е. А. Мишкина, А. В. Есипов) институтлари илмий ходимлари, Тошкент давлат дорилфунуни географлари (С. В. Головнин, А. А. Сагатов, Э. Ҳ. Раимжонов, В. А. Цой), ўлкашунослар (С. М. Кидяев, В. Захарченко), туристларнинг вилоят ва шаҳар станциялари мутахассислари (А. Д. Кривов, Д. Р. Мақсудов, И. А. Александрова, М. В. Шадрина, Е. О. Аҳмедова, А. П. Ботиров) бор. Бурчмулла ўрмончилигининг божмони У. Эшонбоев, ДОСААФ жумҳурият мактабининг инструктор-шофёри Г. М. Тарасов экспедиция аъзоларини тоғ йўлларида кузатиб бордилар.

Сафар иштирокчилари тадқиқ қилинмаган йўлдан юриб, Бурчмулла қишлоғи орқали Псков дарёсининг ўнг соҳилига кўтарилдилар ва Майдонтол, Ойғайнгнинг қўйилиш жойларига бордилар, сўнгра Ойғайнг бўйлаб унинг ирмоғига етдилар, Туяошув довонидан (баландлиги 3.740 метр) Қашқабулоқ ва Куанда дарёлари орқали Талас водийсига чиқдилар. Археологлар, географлар, ботаниклар томонидан муҳим илмий кашфиётлар қилинди. Туристлар янги, истиқболли йўналишларни топиб, текширдилар ва суратга олдилар.

Сафар чоғида тўпланган қизиқарли маълумотларни эълон қилиш мўлжалланмоқда. Газетхонлар улар билан биринчи бўлиб танишадилар.

С. АШУРОВ,
экспедиция қатнашчиси.



Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда фармацевтларнинг ҳам муҳим ўрни бор. Буни илгин тушунган Толлимаржон шаҳридаги 149-дорихона ходимлари эл саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида астойдил хизмат қилмоқдалар. Жамоа ҳар йили беморларга қарийб 135 минг сўмлик дори-дармон етказиб берâди. Уларнинг 80 дан ортиқ тури, ҳар хил дамлама ва қайнатмалар шу ернинг ўзида тайёрланади.

СУРАТДА: дорихона ходимлари Эрназар Бобонов, Райҳон Бозорова ва мудир Шермат Қодиров тайёрланган шифо маҳсулоти сифатини кўздан кечиришмоқда.

П. ЭРҒАШЕВ олган сурат.

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Серқуёш юртимизга мамлакатимизнинг турли шаҳар, районлари, қишлоқлари, овуллари ва хориждан келиб, дам олиб кетувчилар сони тобора кўпайиб бораётир. Бунда саёҳатлар ва экскурсиялар жумҳурият кенгаши катта ишларни амалга оширмоқда.

Ғарбий Германия «Дельта Райзи» фирмасининг президенти Фарруҳ Қилич шу йилнинг август ойида жумҳуриятимизда бўлди. Дўстона учрашувдан сўнг шартнома имзоланди. Саёҳатлар ва экскурсиялар жумҳурият кенгаши раиси, иқтисод фанлари номзоди Анвар САИДОВ жамоатчи мухбиримиз Т. УНАБОЕВга бу ҳужжатларнинг аҳамияти хусусида гапириб берди.

Хорижий мамлакатлар фирмалари билан келишиб, ўзаро шартнома асосида иш олиб бориш самарали натижалар бераётир. Шу кунгача АҚШ, Малайзия, Хитой, Англия, Франция сингари давлатлар билан ҳамкорлик қилардик. Бу ўз навбатида оқсаётган айрим соҳаларни ривожлантиришда катта аҳамият касб этарди. Жорий йилнинг етти ойида ҳамма тармоқлардан тушган маблағ 3 миллион сўмдан ошди.

Ҳар қандай соҳа мутахассисларининг жумҳуриятлараро ва хорижий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш катта ёрдам бериши табиий. Ғарбий германияликлар билан имзоланган шартнома ҳам бунинг далили. Унга кўра иккала томон ўртасида саёҳлар айирбошлаш, уларга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, меҳмонхона ва бошқа зарурий объектларни ҳамкорликда бунёд этиш кўзда тутилган. Фирма серқуёш ўлкамизга келувчиларга валюта ҳисобида пул ўтказади. Саёҳатлар уюштириладиган жойларни 25 мамлакатдаги филиаллари орқали тарғиб этади.

Немис фирмаси келаси йилдан бошлаб Тошкент —Рим —Тошкент, Тошкент—Лондон—Тошкент, Тошкент—Франкфурт на Майне —Тошкент ҳаво қатновларини очади. Шу йил ноябридан эса ўз ватанидаги ва 25 мамлакатдаги филиалларида хорижийларнинг жумҳурият бўйлаб ўтказадиган саёҳатларини ташаиқ қилади. Келаси йилдан бошлаб чет эллик туристларни жумҳуриятимизга жўнатади. Улар кўпгина вилоятларни сайр қиладилар. Кўрсатиладиган барча хизматларга валюта ҳисобида тўланади. Бу катта фойда келтиради.

Жумҳуриятимизда фойдаланишга топириладиган меҳмонхоналар, ишлаб чиқариш корхоналарида немис ва ўзбек мутахассислари ишлайдилар. Шунингдек, енгил автомашиналарни ижарага бериш жойлари ҳам очилади.

Энди ўлкамизга келаётганлар сони хусусида. Ўтган йили 4 миллион 600 мингдан ортиқ киши дам олиб кетди. Бу кўрсаткич шу йилнинг етти ойидаёқ 4 миллион 900 мингдан ошди. Бу рақамлар ўзбек диёрининг шуҳрати тобора ошиб бораётганини кўрсатади.

Шуни таъкидлаш жоизки, меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш маданияти яхшиланиб бормоқда. Саёҳатчиларга бириктирилган ходимларимиз 800 га яқин суҳбат, учрашувни уларнинг тилларида олиб бордилар. Аввал ўзаро мулоқот пайтида тил билмаслик бирмунча қийинчиликлар туғдирарди. Кенгашда кўрилган чора-тадбирлар бу муаммоларни бартараф этишда муҳим омил бўлди.

Туристларга хизмат кўрсатишда Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти, Хоразм ва Андижондан бошқа барча вилоятлардаги ташкилотларнинг жамоа аъзолари ибратли ишларни амалга оширишмоқда. Бундан мамнун бўлган меҳмонлар таклифлар дафтарига дил сўзларини ёзиб қолдиришаяпти.

Бир жуфт шеър

ҲЎЛ НОВДАМАН

Дарахтларни севганим-севган:
У — шафтоли, гилос, ё олу...
Шохларини ҳосили эгган,
Шохларини эггайи бол у!
Дарахтларни: ноку олманн...
Инсондайин қучгим келади.
Чорлаб қолар унда бол мани,
Қушдай шохга кўчгим келади.
Ҳай-ҳай... Дарахт бўлса мевасиз,
Тик ўсади бедард, бепарво.
Мева қилса, сиз ҳам севасиз,
Бекорга ким боғ этар барпо!!
Шохлари ғуж, новдаси мўл-кўл,
Ҳар баҳорда экиладн у.
Билиб қўйинг, агар бўлса ҳўл,
Қанча букманг — эгилади у!
Ҳой-ҳай, асло қуруқ бўлмасин,
Қуруқ борки, синади холос.
Дарахт эккан инсон ўлмасин!
Боғим тўла: нок, олма, гилос...
Новда қуруқ бўлса... кесаман!
Дилни, қўлни тилмаслик учун.
Ҳўл новдаман, яхши сезаман,
Эгилмаман, синмаслик учун!

ДАРАХТЛАР ВА ОДАМЛАР

Урмон яшнар эди, дарахт турфа хил,
Уларнинг бошида қуёш жилва қил!
Ҳайқиргим келади уларни кўриб,
Тозариб кетгандай буларни кўриб,
Ҳаммаси яшайди бирга-иттифоқ
Тушмайди сира ҳам ўртага нифоқ.

Шамол, сув талашмас унда ҳеч бирн.
Бундоқ яшамоқнинг не экан сирн!!
Бирга яшашди, сув ва ҳаво тенг,
Елкалар тутади маҳкам елкани.
Қуёш боласи-да — барни баҳри кенг,
Қуёшдек севади она ўлкани!..

Табиат одамни ўзи яратган,
Шу гўзал турмушга бўлсин деб ҳуси.
Гоҳида тушаман сўнгсиз ҳайратга,
Таниган маҳалим инсоннинг ўзин:
Аёвсиз синдирар бир-бирни шохин,
Аёзда тагига сув қуйиб қолар.

Шундан кўкармайди инсонлар боғи,
Барги саратонда нақ қуйиб қолар.
Гоҳида ёшини яшамай туриб,
Ҳазондай шалдираб, қуриб қоладн.
Улар даврасида шод, хуррам юриб,
Кўзларим оламни кўриб қоладн.

Шунда сарғаяди япроқларим ғуж,
Шохларим мевасиз ерга эгилар.
Юракни тебратиб қоладн бир куч,
Қаҳрим хазонлардай тилдан тўкилар.
Бўҳтонни қўйайлик, ғийбат ўрнига,
Қўшиқ айтишайлик, ширин суҳбатлар...

Нега урар одам одам бурнига
Суҳбатлардан сўнгра қуруқ туҳматлар!..
Кўнгилдан гидирни отиб юборинг,
Кўнгилни лиммо-лим тўлдирсин қўшиқ.
Дарахтларга боқинг, ўрмонга боринг,
Тозариб қайтасиз, ҳаётга ошиқ!

Одамлар бўйнига олмас гуноҳни,
Аламдан ахтарар ўзига тирак
...Урмон яшнаб қолар тебратиб шохин
Сўзимни дарахтлар тингласа керак.

САЙЁР.

Халқ табобати

БОДОМ ҲОСИЯТИ

1945 йилнинг қиши айниқса, қаттиқ келди. Устимиз юпун, уйларимизнинг деразаларига ойнак ўрнига ёғли қоғоз ёпиштирганмиз. Ўтин-кўмир йўқ. Совуқ кўпгина кишиларнинг ҳолини танг қилиб қўйди. Қишлоқда кўк йўтал авж олди. Бу касалликдан кўпчилик азият чекди. Одамлар Заркент қишлоғида бир табиб борлигини айтишарди. Ёшим 17 да бўлса ҳам, ҳали ёлғиз ўзим узоқ жойга бормаганман. Шунинг учун отамдан Заркентга олиб бордилар. Табибнинг эшиги олдида шифоталаб беморлар навбат кутиб ўтиришарди. Ниҳоят, гал менга келди. Табиб 60 ёшлардан ўтган нуроний бир кекса экан.

— Қўлингизни беринг, —дея томиримни бир дақиқа ушлаб туриб, юзимга узоқ тикилгач, сўради:

— Шамоллашни ўтказиб юборибсиз-ку, бўтам! Ҳечқиси йўқ, отдай бўлиб кетасиз. Гапимга қулоқ солинг. Уйингизга бориб, бир ҳовуч бодом топасиз (200 грамм атрофида), уни ўғирда яхшилаб туясиз. Толқон ҳолдаги аралашмани қумғонга солиб, шарақлатиб қайнатасиз. Сўнгра уни совитиброқ кичик пиёлага қуясиз ва бир қошиқ хом сут қўшасиз. Ичиш олдидан алоҳида тайёргарлик кўрасиз. Ўтирган ҳолда устингизга тўшак ёки кўрпани ёпиб оласиз. Сўнгра ҳалиги тайёрлаб қўйилган пиёладаги дорингизни эҳтиёткорлик билан ичасиз. Шунда бадданларингиз юмшаб, игна санчгандай бўлиб, тер чиқа бошлайди. Бунга бардош бериш керак. Обдон терлагаингизданн кейин қуригунча сабр-тоқат қилишингиз керак.

Акс ҳолда касалликдан асорат қолиши мумкинлигини алоҳида таъкидлади табиб.

Уйга келиб, берилган тавсия асосида бодомдори тайёрлатиб ичдим. Бир йил давомида йўтал туфайли чеккан азобларданн фориғ бўлдим. Ҳозир нима кўп, шамоллаш кўп. Унинг олдини олиш ўзимизга боғлиқ.

СУВИМИЗ ҲАМ ШИФО

Қишлоғимиздаги кишилардан бирининг қорни оғриганиоғриган эди. Овқат едими, оғриқ бошланарди. Охири бормаган ери, учрамаган шифокори қолмади. «Овқат емасам ҳам майли, оғримаса бўлди» қабилида ўзини ўзи тортиб, озиб кетди. Шунда дўстларидан бири олис юртдаги шифокор табиб номини тилга олди. Ҳар қандай касални даволашини айтиб, йўл кўрсатди. Ниҳоят ўша тайинланган шаҳарга бориб, шифокорни топди.

Унинг эшигини қоққан эди, бир нуроний киши чиқиб, ўзини таништирди.

— Менга нималарни олиб келдингиз, — деди шифокор ҳалиги одамнинг қўлидаги меваларга қараркан. Кейин уни уйига таклиф этди. Беморни ҳар томонлама синчиклаб кўриб, яшаш жойини суриштирди.

— Қаердансиз?

— Намангандан.

— У — ажойиб диёр. Меваси, ҳатто суви ҳам шифобахш. Менга олиб келган совғаларингизнинг пулини тўлайман. Чин кўнглимдан айтаяпман. Ишонаверинг. Сизга, дардингизга малҳам топдим. Наманганнинг ёнидан Шимолий Фарғона канали оқиб ўтади. Ҳар куни эрта тонгда ҳовлингиздан оқиб ўтаётган ана шу канал сувидан бир кичик пиёлада ичасиз. Бир ой мобайнида дардингиздан бутунлай халос бўласиз. Ана сизга дори, ана сизга шифо.

Ҳамқишлоғим уйига келиб, ишониб-ишонмай ҳар тонгда бир пиёладан сув ичишни одатга киритди. Орадан бир ҳафта ўтганидан кейин оғриқдан ном нишон қолмади. Шу-шу дўстимнинг ошқозон оғриғидан нолиганини эшитмадим.

А. ХОЛМИРЗАЕВ.

Спорт ахборотн

ШАХМАТ

Шу кунларда миллионлаб ишқибозлар нигоҳи Нью-Йоркда бўлмоқда. Улар бу ердан янги хабар келишини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Дунёнинг кучли шахматчилари, тож соҳиби Ғарри Каспаров билан унга даъвогар Анатолий Карпов ўртасидаги баҳс ҳаммани қизиқтирмоқда.

Маълумки, душанба куни улар илк бор юзма-юз ўтириб, биринчи партияни ўйнадилар. Таниқли гроссмейстерлар ўзлари ўртасида бўлган бир неча матч мобайнида учрамаган ҳимояни танладилар. Партияни ўз ватандошлари — америкаликларга шарҳлаб турган АҚШнинг уч бор чемпиони Ясер Сейраваннинг айтишича, бу шахсан унинг учун кутилмаган ҳодиса бўлди.

Дарҳақиқат, Каспаров — Карпов баҳсининг бошланишидаёқ томонлар кескин курашга киришишларини кўпчилик кутмаганди. Бу гроссмейстерлар матчга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрганликларидан, янгиликлар ҳам кўп бўлишидан далолат беради.

Биринчи партияда дастлаб ташаббус Карпов томонида бўлди. Аммо жаҳон чемпиони бир пиёдасини қурбон қилиб, вазиятни тенглаштирди. Натижада оқларнинг 30-юришидан сўнг кучлар бараварлашди. Натижада тож даъвогари ҳарифига дуранг таклиф этди. Томонлар битимга келишдилар.

Кеча жаҳон биринчилиги учун матчда иккинчи партия ўйнали

* * *

Боржомида хотин-қизлар ўртасида шахмат бўйича даъвогарлар мусобақаси давом этаяпти. Унинг иштирокчилари қозир уч мартадан баҳслашдилар. Фақат А. Галлямовагина мағлубиятсиз қатнашмоқда. У учинчи турда қора доналарни суриб, собиқ жаҳон чемпиони Н. Гаприндашвили устидан ғалаба қозонди. Е. Ахмиловская—Дональдсон Э. Климова — Рихтеровани, Сю Жун А. Марична таслим этди. Грузиялик икки шахматчи К. Кахиани ва Н. Иоселиани дуранг ўйнадилар. Н. Гаприндашвили билан Н. Иоселиани ўртасидаги кечиктирилган партияда ҳам шундай натижа қайд этилди.

ФУТБОЛ

СССР ва Исроил клублари терма командалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Алоҳида таъкидлаш керак: футболчиларимиз тамомила янги таркибда майдонга тушдилар. Лекин бу уларнинг ўйинига ҳеч қандай таъсир кўрсатмади, гўё кўп маротаба бирга тўп сургандек тез ва чиққон ҳаракат қилдилар. Учрашув тўла-тўкис ватандошларимиз устунлигида ўтди. Бу умумий ҳисобда ўз ифодасини топди. Меҳмонлар дарвозаси уч бор ишгол этилди.

Терма командамиз шарафини пахтакорчи Андрей Пятницкий ҳам ҳимоя қилди. У иккинчи бўлимда Татарчук ўрнига майдонга тушди.

Бир кун аввал мазкур мамлакатларнинг олимпия командалари ҳам учрашдилар. Унда футболчиларимиз янада йирик ҳисобда ғалаба қозондилар. Улар рақибларини 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Олимпиадачиларимиз орасида «Пахтакор»нинг моҳир ўйинчиси Миржалол Қосимов ҳам бор эди.

ХОККЕЙ

Олий лига коллективлари навбатдаги тур учрашувларини бошладилар. Пешқадамлардан бири — Москва армиячилари ўз майдонларида Челябинскнинг «Трактор» командасини қабул қилиб, 2:2 ҳисобида дуранг ўйнадилар. Бу уларга биринчи ўринга чиқиб олган «Крилья Советов» коллективига етиб олиш имконини берди. Мазкур командалар ҳисобида 19 тадан очко бор.

Ўтган куни яна иккита учрашув бўлиб ўтди. Мана улар натижаси: «Этил» (Қозон) — «Автомобилист» (Свердловск) — 2:2, «Торпедо» (Нижний Новгород) — «Торпедо» (Усть-Каменогорск) — 8:2.

Кеча олий лигада учта учрашув ўтказилди. Улар ўртасида «Динамо» (Москва) — «Сокол» (Киев), «Химик» (Воскресенск) — «Крилья Советов» (Москва) матчлари ишқибозлар эътиборида бўлди.

Муҳаррир ўринбосари
Н. ЕҚУБОВ.

Ойнаи жаҳонда

12 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби.
11.30 Зоология. Ҳашаротларнинг табиатдаги аҳамияти.
12.00 «Орзу». Фильм-концерт.
12.30 Биология. Биосфера ва табиатни муҳофаза қилиш.
13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Имконият». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун фильм. «Ҳайвон ўргатувчилар».
18.50 «Қарор ва ижро». Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш хусусида давра суҳбати.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Аёл қалби наволари». Мусиқий кўрсатув.
20.15 «Депутат минбари». Ўзбекистон ССР халқ депутати Ҳамза Эшназаров сўзи.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ҳамза мукофотига номзадлар». Уста Мирзоҳид ва Адҳам Ашуровлар.
21.20 «Муқаддима». Телефильм.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!».
23.00 «Фирибгарнинг фирибларн ёки бир ерда зир югуриш». Бадиий фильм («Ленфильм»).
00.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби.
19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда» (рус тилида).
20.00 «Пульс». «Тошкент» хабарлари.
20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бех аз саннонъи олам деҳқон аст». Пахтакорлар учун кўрсатув.
22.50 «Қуллар». Телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 2-серия (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.00 «Созандалар мусиқа ҳақида». Халқаро конкурс лауреати Наташа Корсакова билан учрашув.
9.40 «Арбат оҳанглари». Телевизион бадиий фильм. 1-фильм — «Эски уй». 2-фильм — «Мерос».
12.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
13.00 «Время».

* * *

16.15 Климовск шаҳри «Веснянка» рус қўшиқлари хорининг чиқиши.
16.25 «Истеъфодаги полковник». Телевизион ҳужжатли фильм.
17.15 «Компьютер билан мулоқот».
18.00 П. Владигеров номли пианиночилар халқаро конкурси лауреати Ф. Адигезалзода чалади. Бокудан кўрсатилади.
18.15 «Қуваноқ стартлар».
19.00 «Америкадан мактублар». 1-кўрсатув.
19.50 «Юксак содиқлик». Қўшиқчи ва композитор Евгений Мартинов.
20.30 «Оёқ остида ўралашма». Телевизион бадиий фильм премьераси (Болгария).
21.30 «Время».
22.00 Коллаж.
22.05 Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра.
22.20 «Бу бўлган... бўлганди...».
22.40 «Кўриниш» программаси.
01.40 «ТСН».

● МТ II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

9.15 «Итоаткор қанотнинг силкиниши ҳам». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Адабиёт. 5-синф. Г. Х. Андерсен эртаклари.
10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Тарих. 8-синф. Рус йилномалари.
12.05 «Онам, дадам ва мен».

* * *

13.05 «Бечора Маша». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
14.15 «Сувдаги цирк».
15.05 «Тайгадаги монолог». Телевизион ҳужжатли фильм (Владивосток).
15.15 Такрорий телефильмлар сеанси. «Мовий тунлар». 2-серия.

* * *

17.30 СССР халқ артисти А. В. Свешников туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган концерт.
18.40 «Гина-кудуратсиз». Ҳужжатли фильм. Польшада рицарлар турнирида ғолиб чиққан А. Шчербаков ҳақида.
19.00 «Время» (сурдо таржимаси билан).
19.30 Концерт студиясида СССРда хизмат кўрсатган тренер А. Гомельский билан учрашув.
20.25 Коллаж.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кўл бола эртаклар».
20.45 «Томошабинлар меҳри соврини» кинофестивали. «Пул қаерда ётибди?». Ҳужжатли фильм премьераси. Мамлакатда оғир иқтисодий вазиятнинг сабаблари ҳақида («ЦСДФ»).
21.10 Спорт ҳамма учун.
21.25 Бурятия АССР Давлат «Байкал» ашула ва рақс ансамбли-нинг концерти.
22.10 СССР Олий Совети сессиясида.
22.40 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги.
23.40 «Судьбинушка». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-серия лар (Рига киностудияси).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Д. 1274. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12